

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ОТМДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
ФАОЛИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА  
ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ  
модулидан**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент- 2017

*Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201\_ йил \_\_\_\_\_ “\_\_\_” – сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:**

**М.Мирсолиева** – педагогика фанлари номзоди

**Такризчилар:**

**Ш.Ш.Шодмонова**– педагогик фанлар доктори, профессор

**С.Н.Файзуллаева**– педагогик фанлар номзоди, доцент

*Ўқув-услугий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий-методик кенгашининг 201\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....                              | 4  |
| II. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....                              | 13 |
| III. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР.....             | 57 |
| IV. ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ..... | 63 |
| V. ГЛОССАРИЙ.....                                      | 66 |
| VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....                            | 72 |

# І. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

## КИРИШ

Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш – замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнлари самарадорлигини таъминловчи касбий таълим мазмунини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга хизмат қилувчи узлуксиз таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш заруратини шакллантирди. Шу асосда, бугунги кунда таълим сифатини оширишга, таълим босқичларининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишда, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади. Таълимда инновацион технологияларни қўллашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

«Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш» модули ишчи дастури ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-4732-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қароридаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, унда технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқларни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида таълим тизимини модернизациялаш, олий таълим тизимини самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишлари, ўқув-услубий жараёнга инновацияларни жорий этиш, педагогларни замонавий билим ва амалий кўникмалар билан қуроллантириш, таълим сифатини таъминлашга нисбатан замонавий ёндашувларни таълим амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилган.

## **МОДУЛНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**“ОТМда ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” модулининг мақсади:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қароридаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда, тингловчиларнинг олий таълим муассасаларидаги ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш, илғор тажрибаларни жорий этиш, инновацион таълим технологияларининг моҳияти ва уларни амалиётга татбиқ этилишини таъминлашнинг зарурий шарт-шароитлари ва омиллари ҳақидаги мавжуд билимларини чуқурлаштириш, кўникма ва малакаларини ривожлантиришдан иборат.

**“ОТМда ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” модулининг вазифалари:**

- олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялашнинг зарурий шарт-шароитларни белгилаш;
- ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини татбиқ этилишини таъминлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишга йўналтириш;
- раҳбар кадрларнинг таълим менежменти ва таълим сифати менежменти борасидаги инновацион компетентлигини ривожлантириш.

## **МОДУЛНИ ЎЗЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

**“ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш масалалари ва унинг асосий йўналишлари; инновацион таълим технологияларининг моҳияти; ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини, модулли таълим технологияларини татбиқ этиш йўллари; педагог кадрларнинг инновацион компетентлигини ривожлантиришга қўйиладиган замонавий талаблар; замонавий таълим технологиялари борасидаги илғор хорижий тажрибаларни билиши керак;

- олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнига инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш; услубий фаолиятни такомиллаштириш; электрон таълим ресурсларини яратиш ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этилишини ташкил этиш; кейс-стади, даражали тестлар банкини яратиш, талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновацияларни амалиётга татбиқ этиш **кўникма ва малакаларига эга бўлиши** зарур;

- таълимдаги инновацион жараёнларни тизимли таҳлил этиш ҳамда таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндашувларини амалиётга татбиқ этилишини мувофиқлаштириш;

- компетентли ёндашув асосида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;

- ўқув-услубий фаолиятга инновацион таълим технологияларини жорий этишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш;

- мулоқотчанлик ва ўз-ўзини шахсий ва касбий ривожлантириб бориш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## **МОДУЛНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

“Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Амалий машғулотлар замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида тақдирот, кичик гуруҳларда ишлаш, тренинг, дебатлар шаклида олиб борилади.

Машғулотларда кейс-стади, ассесмент, блиц-ўйин, концептуал харита, ролли ўйинлар, SWOT-таҳлил ва бошқа инновацион таълим технологияларидан фойдаланилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” модули ўқув режасида “Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” ва махсус фанлар блокадаги ўқув модуллари билан узвий боғланган.

### **Модулнинг таълим менежменти самарадорлигини оширишдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, олий таълим муассасаси ўқув-тарбия жараёнини модернизациялашда



инновацион таълим технологияларининг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

### **МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ:**

| №            | Модул мавзулари  | Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат |                         |          |                 |                 |
|--------------|--|-----------------------------------|-------------------------|----------|-----------------|-----------------|
|              |  | Ҳаммаси                           | Аудитория ўқув юкلامаси |          |                 | Мустақил таълим |
|              |  |                                   | жами                    | жумладан |                 |                 |
|              |  |                                   |                         | Назай    | Амалий машғулот |                 |
| 1.           | Олий таълим тизими ўқув-жараёнини модернизациялаш  | 2                                 | 2                       | 2        |                 |                 |
| 2.           | Олий таълим тизими ўқув-услугий фаолиятига инновацион таълим технологияларини жорий этиш | 6                                 | 4                       | 2        | 2               | 2               |
| 3.           | Олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар    | 4                                 | 4                       | 2        | 2               |                 |
| 3.           | Гуруҳларда ишлаш технологиялари  | 14                                | 4                       | -        | 4               | 10              |
| <b>Жами:</b> |  | <b>26</b>                         | <b>14</b>               | <b>6</b> | <b>8</b>        | <b>12</b>       |

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎҚУВ-ЖАРАЁНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш масалалари ва унинг асосий йўналишлари. Инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Таълимдаги инновацион жараёнлар мазмуни, йўналишлари. Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини модернизациялаш йўллари: кадрлар компетентлигини

ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнига инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш. Педагогик квалиметрия. Таълим босқичларининг ўзаро мазмунан боғлиқлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш.

Таълим сифатини таъминлаш тамойиллари. Таълим сифатини таъминлашга компетентли ёндашувнинг моҳияти. Битирувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш йўллари.

## **2-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ФАОЛИЯТИГА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ**

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзуларини такомиллаштириш, амалиётга боғлаш. Малакавий амалиёт базаларини янгилаш ва дастурларини такомиллаштириш. ОТМнинг ахборот-ресурс ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини ривожлантириш.

ОТМлари ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини жорий қилиш. Ўқув мақсадларини тўғри шакллантириш, эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва таълим сифатини таъминлаш тамойиллари.

Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик технологиялар, компьютер ва Интернетдан фойдаланиш бўйича саводхонлигини доимий ошириб бориш.

Ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини оширишда илғор хорижий тажрибалар: Германия, Малайзия, Хитой, Англия, Жанубий Корея давлатлари мисолида.

## **3-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД ИННОВАЦИЯЛАР**

Мустақил таълим, мустақил иш ва мустақил фаолият тушунчаларининг қиёсий таҳлили. Талабалар мустақил фаолиятини ташкил этишнинг аудитория ва аудиториядан ташқари шакл, методлари. Талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга нисбатан инновацион ёндашувлар ва илғор тажрибалар. ECTS (European Credit Transfer System). Мустақил фаолият натижаларини баҳолашда тест топшириқлари, даражали тестлардан фойдаланиш.

Кредит-модул тизими ва унинг талабалар мустақил фаолиятини ташкил этишдаги имкониятлари. Модулли таълим технологиялари. Олий таълим муассасаларида тьюторлик, супервайзерлик, модераторлик позициялари. Олий таълим муассасаларида тьюторлик фаолиятини ташкил этиш йўналишлари.



## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ФАОЛИЯТИГА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Ўқитишнинг инновацион шакл, метод ва воситаларининг қиёсий таҳлили: интерфаол ўқитиш методлари, муаммоли таълим методлари, график органайзерлар, масофали таълим ва бошқ. Раҳбар ва ўқитувчи шахсининг инновацион тайёргарлигини шакллантириш босқичлари. Электрон ўқув модуллари ва уларнинг таркибий қисмлари: силлабуслар, кейс стади, тақдимотлар ва бошқа материаллар. Электрон ўқув модулларини яратиш ва унинг назорати. Кейсларни яратишни мувофиқлаштириш, кейсолоғлар гуруҳи.

**Амалий машғулотда:** Ассесмент, Кейс-стади, Идрок харитаси методидан ҳамда кичик гуруҳлардаги иш шаклидан фойдаланилади.

### 2-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД ИННОВАЦИЯЛАР

Модул ва унинг таркибий қисмлари. Ўқув модулларини яратшга қўйиладиган талаблар. Кредит тушунчаси, кредит турлари, кредит-модул тизими ва ECTS (European Credit Transfer System). Ўқув фанларидан кредитлар миқдорини белгилаш йўллари.

Тест ва унинг турлари. Тестларни тавсифи: стандарт ва ностандарт тестлар. Тест даражалари: оддий даража; репродуктив даража; продуктив даража; ижодий (креатив). Талабаларнинг мустақил фаолият натижаларини баҳолашда даражали тестлардан фойдаланиш.

**Амалий машғулотда:** Т-чизма, Концептуал харита методларидан ҳамда гуруҳларда ва жуфтликлардаги иш шаклларида фойдаланилади.

### 3-МАВЗУ: ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Гуруҳларда ишлашни ташкил этиш. Лойиҳалаштириш, ўқув лойиҳаси, унинг турлари ва таркибий қисмлари. Лойиҳани яратиш тамойиллари ва иш босқичлари. Лойиҳанинг ҳаракат режасини тузиш. Лойиҳа тақдимотини тайёрлаш ва иш натижасини баҳолаш. Лойиҳа ишларини олиб боришда гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш, тьюторлик хизматлари. Лойиҳа натижаларини расмийлаштириш.

**Амалий машғулотда:** Блиц-ўйин, Идрок харитаси методларидан, шунингдек, кичик гуруҳлардаги иш шаклидан фойдаланилади.

### МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ


Мустақил таълим тингловчилар(гуруҳлар) томонидан танланган мавзу доирасида лойиҳа ишини тайёрлаш тартибида амалга оширилади.

## **II. МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ МАТНИ**

### **1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ**

### **МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ**

| <b>РЕЖА:</b> |   |
|--------------|---|
| <b>1.</b>    | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш масалалари. |
| <b>2.</b>    | Таълимдаги инновацион жараёнлар мазмуни ва йўналишлари.   |
| <b>3.</b>    | Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини модернизациялашга қўйилаётган замонавий талаблар.   |

 **Таянч тушунчалар:** *инновация, модернизация, таълим сифати, компетентлик, креативлик, сифат менежменти, сифат маданияти, квалиметрия*

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш масалалари.**

Таълим сифатини таъминлаш - битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси билан бирга ўқув жараёнининг қандай ташкил этилиши ва унинг белгиланган сифат мезонларига жавоб беришида кўринади. Ушбу вазифа бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истикболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш мисолида аниқ мақсадларга йўналтирилган кўрсатма ва тамойиллар кўринишида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов мазкур муаммонинг ижтимоий-иқтисодий ва амалий аҳамиятини “Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан,

касб-хунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга катта зарурат сезила бошлади” деб асослайди.<sup>1</sup>


Шу боис, ҳозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, раҳбар ва педагог кадрларнинг инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассасаларидаги ўқув-услубий фаолият мазмунини такомиллаштириш, ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш заруратини шакллантирди.

Олий таълим тизимини модернизациялаш (ингл. modern – янгиланган, замонавий, текоҳ ўсиш) таълим жараёнига нисбатан инновацион ёндашувни талаб этади.

**Модернизация** - (лотинча - moderne – энг янги) – такомиллаштирилган, яхшиланган, янги талабаларга жавоб бера оладиган деган маънони билдиради.

**Модернизациянинг икки тури ажаратилади:**

- а) Органик (Ички резервлар ҳисобига трансформацияни ўтказиш).
- б) Ноорганик (Трансформация ташқи давлатлар иштирокида амалга оширилади).

 Модернизация парадигма сифатида ХХ асрнинг ўрталарида АҚШ да шаклланган бўлиб, унга нисбатан бир қанча ёндашувлар мавжуд:

1. Дихтомик ёндашув. Бунда модернизация жараёни анъанавий ҳолатдан замонавий ҳолатга ўтиш деб қаралади.
2. Тарихий ёндашув. Тарихий тараққиёт, ўзгаришлар ва революциялар нуқтаи назаридан талқин этилади.
3. Инструментал ёндашув. Ўзгариш воситалари ва усуллари нуқтаи назаридан талқин этилади.
4. Ментал ёндашув. Дунёқарашнинг ва руҳиятнинг трансформацияси нуқтаи назардан талқин этилади.

---

<sup>1</sup> Каримов.И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.-Б.15-16.

5. Цивилизация. Замонавий цивилизациянинг ёйилиб бориши нуктаи назаридан талқин этилади.

Таълимни модернизациялашдан мақсад таълимнинг тараққиётини таъминлаш ва тизимда XXI асрда яшаётган жамиятнинг эҳтиёжлари, иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжлари, ҳар бир шахснинг ва оиланинг эҳтиёжлари акс этиши лозим. Бундай тараққиёт тизимини яратиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- давлат томонидан тўлиқ таълим олиш ҳуқуқини таъминланиши;
- таълим тизимининг барча босқичларида замонавий таълим сифатини таъминлаш;
- таълимнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва ташкилий-иқтисодий механизмларни янги ресурсларини аниқлаш ва жалб этиш.
- педагог мақомини кўтариш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- таълим тизимида шаффофликни таъминлаш ва унинг қатнашчиларини масъулиятини ошириш.

Модернизация жараёни йўналтирилган ҳар бир объектнинг бу жараёндаги тўлиқ иштирокини таъминлаш ҳам асосий масалалар қаторига киради (давлат, таълим тизими, иқтисодиёт ва бошқа тармоқлар, ижтимоий иснтитутлар, жамият, оила).

Республикаимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов: “Буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимиз тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислохотларимиз ва режаларимизнинг самарали тақдири, авваламбор, давр талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, тафаккурга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан боғлиқ”, дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда республикаимизнинг иқтисодий-ижтимоий ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири бўлган ижтимоий соҳага, хусусан, таълим, кадрлар тайёрлаш соҳасига катта эътибор қаратилиб, узлуксиз таълим тизимда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Агар маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимизда ижтимоий соҳа учун давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилади. Жумладан, таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга сарфланаётган харажатлар умумий бюджетнинг 34,3 фоизини ташкил этади.

2015 йил 12 майдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони ҳам мазкур соҳага қаратилган катта эътибор ифодасидир.

**Фармоннинг мақсади** - олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан оширишга қаратилган.

Мазкур фармонда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланади:

- олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш;

- юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш;

- олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларида фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши;

- олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориши учун кенг фойдаланиши.

Шунингдек, фармон мазмунида олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга хизмат қилувчи, республикадаги етакчи 15 та олий таълим муассасаларини Таянч олий ўқув юртлари сифатида белгиланиши, мазкур Таянч олий ўқув юртлари базасида олий таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор тажрибалар ва соҳага оид инновацияларни ўзида мужассам этган замонавий ўқув-услубий таъминотини яратиш, моддий-техник базасини модернизациялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур фармонда идоравий мансублигидан қатъи назар, мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари уч йилда камида бир марта 288 соатлик махсус дастурлар бўйича икки ой

давомида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилиши ва унинг якунида раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий маҳоратини баҳолашга хизмат қилувчи аттестацияни ташкил этилиши, уларга бериладиган имтиёзлар билан боғлиқ жараёнларнинг асосланиши олий таҳлим тизими педагог кадрларининг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги энг муҳим ислоҳотлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майда “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди ва у ўз моҳиятига кўра олий таълим тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичини ифода этади<sup>2</sup>. Бу қарор олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодий соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган.

Мазкур Қарор мазмунида олий таълим муассасаларини модернизациялаш, уларнинг замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодий соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини қамраб олган. Мазкур соҳадаги чора-тадбирлар дастурида:

1) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

2) юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш;

3) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни амалга ошириш;

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // Халқ сўзи, 2011 йил 20 май, № 100 (5267).



4) тегишли олий таълим муассасаларини ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларга киритиш;

5) олий таълим муассасаларида замонавий илмий тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш;

6) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ишларини олиб борилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда олий таълим муассасалари ўқув амалиётига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, электрон ўқув модуллари, ўқув-услубий мажмуалар, мультимедия ишланмаларини яратиш, масофали ўқитиш шакллари жорий этиш орқали таълим сифатини такомиллаштириш, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу боис, бугунги кун олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиси нафақат яхши мутахассис сифатида, балки ахборот-коммуникация технологиялари, инновацион таълим технологиялари ҳамда соҳага оид илғор тажрибаларни ўзлаштирган ва касбий фаолиятида кенг фойдалана оладиган ижодкор мутахассис бўлишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

## **2. Таълимдаги инновацион жараёнлар мазмуни ва йўналишлари.**

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш - инновацион фаолиятни майдонга олиб чиқди. “Инновацион педагогика” термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар XX асрнинг 60-йилларида Ғарбий Европа ва АҚШда пайдо бўлган.

Инновацион иборасига бир қанча педагог олимлар ўзларининг турли хил фикрларини айтиб ўтишган.

Жумладан педагогика соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган А.И.Пригожин инновация деганда муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Демак, инновацион педагогик жараённинг муҳим таркибий қисми бу шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини-ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири эса таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилади.

Таълимдаги инновацион жараёнлар босқичларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

## Инновация жараёни босқичлари:

1. Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо бўлиш босқичи

2. Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи

3. Яратилган янгиликни амалий қўллаш билиш босқичи

4. Янгиликни ёйиш, уни кенг татбиқ этиш босқичи

5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳуқумронлик қилиш босқичи.  
Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади

6. Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасининг қисқартириш босқичи

Ҳозирги глобаллашув жараёнларида таълимга инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурияти қуйидагилар билан ўлчанади:

1. Фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий янгиланиш узлуксиз таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш;

2. Талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интеллектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;

3. Педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарурати.

Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.

Педагогик инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутди. Шунингдек, педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.

Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси шартли янгилик ҳисобланади.

Маҳаллий янгилик аниқ объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади. Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик - бу воситадир: янги метод, методика, технология ва бошқалар. Шу ўринда анъанавий ва инновацион таълимни қиёсий таҳлил қиламиз:

### **Анъанавий ва инновацион таълим моделига қиёсий тавсиф**

| <b>Асосий тавсифи</b>                | <b>Анъанавий таълим модели</b>                        | <b>Инновацион таълим модели</b>   |
|--------------------------------------|---|---|
| <b>Мақсади</b>                       | Ўқитиш натижаси (дастур асосида ахборотни ўзлаштириш) | Ўқитиш жараёнида ўқишга ўргатиш   |
| <b>Талабанинг роли, ўрни</b>         | Пассив эшитувчи, тингловчи                            | Фаол таълим субъекти  |
| <b>Ўқитувчининг роли, ўрни</b>       | Билим берувчи манба                                   | Ташкилотчи, менежер, бошқарувчи   |
| <b>Билим бериш шакли</b>             | Тайёр ҳолда, вербал мантлар шаклида                   | Интерфаол, ўйинли, муаммоли, мустақил мутоала, изланувчи-ижодкорлик         |
| <b>Олган билимларидан фойдаланиш</b> | Топшириқлар, масалалар, ёзма ишлар                    | Билимни кундалик фаолиятда қўллаш, амалий кўникмаларнинг ассесмент назорати |
| <b>Ўқув фаолияти шакллари</b>        | Фронтал, маъруза, шахсий тайёргарлик                  | Якка, жуфт, кичик ва катта гуруҳларда ўқув жараёни олиб бориш               |

Бизга маълумки, анъанавий таълимда шахс педагогик жараён воситаларидан бири сифатида қабул қилиниб, унинг фаолиятида бажарувчилик, ижрочилик хусусиятлари устунлик қилган бўлса, инновацион таълим эса, ўз мақсади ва моҳиятига кўра, анъанавий ўқитишдан фарқ қилиб, таълим олувчи шахсининг табиий имкониятларини намоён қилиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратишни таклиф қилади. Бунда талаба ўзини ўқув фаолиятининг субъекти сифатида ҳис қилиши, ўз устида ишлаши, ўз-ўзини ривожлантириши муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, инновацион тайёргарлик бу - мутахассисининг ўзлаштирилган касбий билим, малака ва кўникмаларига таянган ҳолда педагогик жараёни лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва кафолатли натижага эришиш жараёнидаги ностандарт тафаккур тарзи ва иш тартибига асосланган ҳолда янги йўналишдаги ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларини излаб топиши ва амалга ошириши билан боғлиқ бўлган сифатлари йиғиндисидир.

### Ўқитувчининг инновацион фаолиятига нисбатан ёндашувлар

**Гуманистик аксиология** - аксиологияга инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан-бир мақсади сифатида қарайди. Инновацион фаолиятга аксиологик ёндошув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик қадриятлар мажмуасини англатади.

**Акмеологик ёндошув** - акмеология (*akme*) – юнонча олий нуқта, ўткир, гуллаган етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

**Креатив ёндошув** – термини АҚШда XX асрнинг 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, ҳислатилини билдиради.

**Рефлексив ёндошув** – (лотинча *reflexio* - ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.

В.А.Сластенин ўқитувчининг инновацион фаолиятини тузишда унга акмеологик жиҳатдан ёндашади.

В.А.Сластенин акмеологиянинг юксак профессионализмга, мутахассиснинг узок ижодий умр кўришига олиб келадиган субъектив ва объектив омилларини асослаб берди. Объектив омилларга олинган таълимнинг сифатини, субъектив омиллари эса инсоннинг истеъдоди ва қобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самарали ҳал қила олишидаги масъулияти, мутахассисларга ёндашувини киритади.

Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади: истеъдод нишонлари; укувлилик; қобилият; истеъдод; оила тарбияси шароити; ўқув юрти; ўз ҳатти-ҳаракати.

Акмеология илмий нуқтаи назардан профессионализм ва ижод муносабатида олиб қаралади. Бунда қуйидаги категориялар фарқланади:

- ижодий индивидуаллик;
- ўзининг ўсиш ва такомиллашиш жараёни;
- ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажрибаси.

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- интеллектуал - ижодий ташаббус;
- билимлар кенглиги ва чуқурлиги интеллектуал қобилияти;
- зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;
- ахборотларга ташналик, муаммолардаги ғайриодатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйғу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик (Н.В. Вишнекова).

В.А. Сластенин ижодий индивидуализмни рўёбга чиқаришнинг асосий вазифаларини қуйидагича белгилайди:

- ижтимоий моҳият касб этган маданиятни бойитиш;
- педагогик жараён ва шахс билимларини янгилаб туриш;
- самарали ва аҳамиятли меъёрларни белгилайдиган янги технологияларни топиш;
- шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи намоён қила олиши асосида ўз ривожланишини таъминлаш.

Шу тариқа ўқитувчининг ижодий индивидуаллигини шакллантириш шахс ривожланиши ва янгиликларнинг динамик инновацион жараёни сифатида тушунилади.

Ижодий индивидуалликни характерлайдиган самарали ўз-ўзини англаш қуйидагиларни қамраб олади: ўзини бошқаларга қиёс қилиш асосида ўз шахсининг бетақдор эканлигини англай олиши; ўзи тўғрисидаги креатив кўри-нишлар ва тасаввурлари тўплами; индивидуал креатив ўзига хосликларнинг бир бутунлиги ва уйғунлиги, ички бирлиги; шахснинг ўз ривожланишидаги динамиклик ва доимийлик жараёни ва унинг ижодкор сифатида шаклланиши; шахс ўзини намоён қила олиши ва ўзининг муайян ишларни амалга оширишга ҳозир турганлиги; ижодкор сифатида ўзини бахшида қила олиши ва шахсий ҳамда ижтимоий вазиятларда ўзининг ўрнини англай олиши.

Инновацион фаолият тузилмаси таҳлилида акмеологик ёндашув ўқитувчининг касбий маҳорати чўққиларига эришувида унинг шахси ривожланиш қонуниятларини очиш имконини беради.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг муҳим тавсифи креативликдир.

Креативлик термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Ж.Гилфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- фикрининг равонлиги;
- фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;
- ўзига хослик (оригиналлик);
- қизиқувчанлик;

- фаразлар яратиш қобилияти;
- хаёл қила олиш, фантастлик (фантазия).

Ўқитувчи фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичларини белгилаш мумкин:

Биринчи босқичда тайёр методик тавсияномалар кўчирилади;

Иккинчи босқичда мавжуд тизимга айрим мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади;

Учинчи босқичда ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари, шакли тўла ишлаб чиқилади;

Тўртинчи босқичда ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз бетакрор концепцияси ва методикаси яратилади.

Ўқитувчининг инновация фаолияти тузилмасидаги энг муҳим компонент бу рефлексиядир. Рефлексия ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш деб қаралади, ўз фикри ва ҳаракатларига ташқаридан назар (В.А. Сластенин). Педагогикага оид адабиётларда рефлексив жараёнларни изоҳлашнинг икки анъанаси мавжудлиги айтилади:

- объектлар моҳиятини изоҳлашга ва уларни конструкциялашга олиб келадиган онгнинг рефлексив таҳлили;

- шахслараро мулоқот маъносини тушуниш рефлексияси.

Бу билан боғлиқ равишда педагог олимлар қуйидаги рефлексив жараёнларни фарқлайдилар:

- ўз-ўзини ва бошқаларни тушуниш;
- ўз-ўзига ва бошқаларга баҳо бериш;
- ўз-ўзини ва бошқаларни изоҳли таҳлил қилиш.

Рефлексия (лотинча *reflexio* - ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.

Фалсафа ва педагогикага оид адабиётларда рефлексия шахснинг ўз онгидаги ўзгаришларни фикрлаш жараёни деб ёзилади.

Психологик луғатда шундай изоҳ берилади: "Рефлексия - фақат субъектнинг ўз-ўзини билиши ва тушуниши эмас, балки бошқалар унинг шахсий хислатлари, ҳис қилиш туйғуси ва билиш (когнитив) тасаввурларини билиш ҳамда тушунишини аниқлаб олишини ҳам англатади.

Инновацион фаолият педагогик жараённи ифодалаб, нафақат унинг дидактик қурилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам тааллуқлидир. Инновацион фаолият очиқликни, бошқалар фикрининг тан олиншини билдиради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти турли хилдаги қарашларнинг тўқнашуви ва ўзаро бойитилиши динамикасида амалга ошишини кўзда тутди. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга ўқитувчининг тайинли мулоқоти акс фикрларга нисбатан беғараз муносабат, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олиншини уқтиришга



тайёрлиги киради. Бунинг натижасида ўқитувчи ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив)га эга бўлади.

Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мавзу (мотив)лар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдир. Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуқтаи назарларига ўралашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукамаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб боради, ҳиссий туйғулари ривожланади.

Кейинги шарти - бу ўқитувчининг маданият ва мулоқотга шайлиги.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усуллари ечишни аниқлашга қаратилгандир.

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир.

Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, ҳукмга бўйсунуш каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва талабанинг ижоддаги ҳамкорлигидир.

Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;
- меъёрларга нисбатан қиёсий ёндашув;
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик;
- дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.

Демак, олий таълим муассасининг профессор-ўқитувчилари инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида олий таълим муассасининг профессор-ўқитувчиларининг инновацион фаолиятига бўлган зарурият қуйидагилар билан ўлчанади:

- ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясининг тубдан янгиланиш талаб қилади. Бундай шароитда ўқитувчининг инновация фаолияти педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;

- таълим мазмунини инсонпарварлаштириш доимо ўқитишнинг янги ташкилий шакллари, технологияларини қидиришни тақозо қилади;

- Педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг муносабати характери ўзгариши.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти таҳлили янгилик киритишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меъёрларга - янгилик, мақбуллик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради

*Янгилик* педагогик янгилик меъёри сифатида ўзида таклиф қилинадиган янгини, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. *Мақбуллик* меъёри ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиш учун сарфланган куч ва воситаларини билдиради. *Натижалilik* ўқитувчи фаолиятидаги муайян муҳим ижобий натижаларни билдиради. Педагогик янгилик ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим. Педагогика янгиликни дастлаб айрим ўқитувчиларнинг фаолиятига олиб кирилади. Кейинги босқичда - синалгандан ва объектив баҳо олгандан сўнг педагогик янгилик *оммавий татбиқ* этишга тавсия этилади.


Ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳрир қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади. Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахсияти билан белгиланади.

В.А. Слостенин тадқиқотларида ўқитувчининг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари белгилаб берилган. Унга қуйидаги хислатлар тааллуқли:

- Шахснинг ижодий-мотивацион йўналганлиги. Бу - қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш; ижодий ютуқларга интилиш; пешқадамликка интилиш; ўз камолотига интилиш ва бошқалар;
- Креативлик. Бу – ҳаёлот, фараз; қолиплардан ҳоли бўлиш, таваккал қилиш, танқидий фикрлаш, баҳо бера олиш қобилияти, ўзича мушоҳада юритиш, рефлексия;
- Касбий фаолиятни баҳолаш. Бу - ижодий фаолият методологиясини эгаллаш қобилияти; педагогик тадқиқот методларини эгаллаш қобилияти; муаллифлик концепцияси фаолият технологиясини яратиш қобилияти, зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилияти; ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилияти ва бошқалар;
- Ўқитувчининг индивидуал қобилияти. Бу - ижодий фаолият суръати; шахснинг ижодий фаолиятдаги иш қобилияти; қатъиятлик, ўзига ишонч; масъулиятлилиқ, ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик, ўзини тута билиш ва бошқалар.

Олий таълим муассасидаги инновация жараёнлари характери киритилган янгиликлар хусусиятлари, ўқитувчиларнинг касбий имкониятлари, янгилик киритиш ташаббускорлари ва иштирокчиларининг инновацион фаолиятлари

хусусиятлари билан белгиланади. Инновацион фаолиятда энг муҳим масалалардан бири - ўқитувчи шахсидир.

 Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

- **янгиликни идрок қилишга инновацион тайёргарликни шакллантириш(мотивация);**
- **янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш.**

Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Инновация жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятлари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари, бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш олий таълим муассасалари ўқув жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш имконини беради.

Маълумки, технология тушунчасига турли адабиётларда хилма-хил муносабатлар билдирилади:



Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиладиган бўлса, педагогик технология тушунчасига нисбатан ҳам турли муносабатларни кўришимиз мумкин бўлади:

**“Педагогик технология”** -таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларни биргаликдаги ҳаракат-

лари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир(ЮНЕСКО).

**“Педагогик технология”** - ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатига асосланган педагогик жараён лойиҳаси (Н.Азизходжаева).

**“Педагогик технология”** - тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини Қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланадиган усул ва методлар мажмуидир” (М.О.Очилов).

**“Педагогик технология”** - аввалдан берилган тавсифга кўра асосланган дидактик жараёнларнинг жойлаштирилиши бўйича ишлаб чиқилган мақбул тизим ва тамойиллар моҳиятини белгиловчи илмий тадқиқот ва дидактиканинг муайян йўналиши» (И.П.Подкасистый).

**“Педагогик технология”** - таълим жараёнига нисбатан ўзига хос ёндошув; ижтимоий-мушандислик тафаккурининг педагогик ифодаси, технократик онгнинг педагогикага кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартидир» (Б.Л.Фарберман).

**“Педагогик технология”** - дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш, таълим жараёнини аввалдан лойиҳалаштириш (У.Н.Нишоналиев).

**“Педагогик технология”** - ўқитувчининг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароит ва изчилликда таъсир кўрсатиш ҳамда мазкур фаолиятнинг маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган сифатларни шакллантириш жараёни (Н.Саидахмедов).

**“Педагогик технология”** - бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир (Ў.Қ.Толипов).

Педагогик технологиялар шахсга индивидуал ёндошув масаласини олдинга суради ва қуйидаги мезонларга асосланади:



Таълим амалиётида “педагогик технология” тушунчаси уч даражада қўлланилади:

*Умумпедагогик (макро) даража.* Мазкур даражага мувофиқ келадиган технологиялар яхлит педагогик жараёнга тегишли бўлиб, таълим тизимининг барча турларида қўллаш имконини беради.

*Хусусий-методик (мезо) даража.* Ушбу даража ўзида маълум бир ўқув фани, алоҳида таълим олувчилар гуруҳи, маълум ихтисосликка мансуб педагогларга йўналганликни акс эттиради.

*Локал даража (микро).* Мазкур даражага тегишли технологиялар ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида таркибий қисми, алоҳида шахс сифатларини шакллантириш, махсус ўқув кўникма ва малакаларини таркиб топтиришга хизмат қилади.

### **“Педагогик технология” нинг ривожланиш босқичлари.**

XX асрнинг 20-йилларида “педагогик технология” термини биринчи бор педагогика бўйича асарларда тилга олинган. Шу вақтнинг ўзида яна бир бошқа – “педагогик техника” термини ҳам тарқалди. У педагогик энциклопедияда 30-йилларда ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга қаратилган услублар ва воситалар сифатида ифодаланган. Педагогик технологияларга ўқув ва лаборатория ускуналари билан ишлаш, кўргазмали қўлланмалардан фойдаланишлар маҳоратлари ҳам киритилган.

Ўтган асрнинг 40-50-йилларида, ўқитиш - ўқув жараёнлариша техник воситаларни татбиқ этиш бошланганида, “таълим технологияси” термини пайдо бўлди, у кейинги йиллар давомида “педагогик технологияга” айлантирилди.

60-йиллар ўрталарида бу тушунчанинг мазмуни чет элларда педагогик нашрларда ва халқаро конференцияларда кенг муҳокама этилди, натижада ушбу соҳада турли мамлакатларда (АҚШ, Англия, Япония, Франция, Италия, Венгрия) ва даражасига қараб уни талқин қилиш икки йўналиши белгиланди.

Биринчи йўналиш тарафдорлари техник воситалар ва дастурлаштирилган ўқитиш воситаларини қўллаш зарурлигини таъкидладилар (technology in education).

Иккинчи йўналиш тарафдорлари эса ўқув жараёнини ташкил этиш самарадорлигини ошириш ва педагогик ғояларнинг техниканинг кескин ривожланишидан ортда қолишини йўқотиш муҳим деб ҳисобладилар. Шундай қилиб 1-йўналиш “ўқитишда техник воситалар” сифатида белгиланди, биз биров кейинроқ юзага келган 2-йўналиш “ўқитиш технологияси” ёки “ўқув жараёни технологияси” сифатида белгиланди.

70-йилларнинг бошларида турли хилдаги ўқув ускуналарини ва ўқув воситаларини модернизациялаштириш зарурлиги англаб етилди. Буларсиз ўқитишнинг сифатлилиги ва самарадорлигига эришиб бўлмас эди.

60-йиллар ўрталари ва 70-йилларнинг бошларида АҚШ, Англия, Япония, Италия каби юксак ривожланган давлатларда педагогик технологиялар

масалалари билан шуғуллануви журналлар нашр этилар эди, кейинчалик бу муаммо билан ихтисослаштирилган ташкилотлар ва марказлар шуғуллана бошлайди.

АҚШ 1971 йил – “Педагогик коммуникациялар ва технологиялар бўйича АҚШ Ассоциацияси”. Ҳозирги кунда мамлакат бўйлаб ва Канадада бу кенгашнинг 50 та филиаллари иш олиб бормоқда. АҚШда 1961 йилда “Педагогик технология” журнали (*Educational Technology*), 1971 йилда эса – “Аудиовизуал ўқитиш” журнали нашр этила бошланди.

Англия 1967 йил - Педагогик технология бўйича Миллий кенгаш тузилган. 1964 йилдан бошлаб “Педагогик технология ва ўқитишни дастурлаштири” (*Educational Technology progratted tearing*) журналини, 1971 йилда – “Педагогик технология” журналини нашр эта бошланди.

Япония - Педагогик технологиялар муаммолари билан 4 та илмий ташкилотлар шуғулланади. 1967 йилда “Педагогик технологиялар бўйича Миллий кенгаш” ташкил этилди, унинг филиаллари 22 та давлат университетларида жойлаштирилган. 1965 йилдан бошлаб Япон тилида ҳар уч ойда “Педагогик технология” журнали ва инглиз тилида йилига икки марта “Педагогик технологиялар соҳасида тадқиқотлар” журнали нашр этилади. Яқинда “Педагогик технологиялар бўйича умумяпон Марказий кенгаши” ташкил этилди, у муаммолар бўйича халқаро алоқалар ўрнатиш билан ҳам шуғулланади.

Италия – 1971 йили педагогик технологиялар бўйича Миллий марказ ташкил этилди ва “Педагогик технологиялар” журнали нашр этилади.

Венгрия - 1973 йили ўқитиш технологияси Давлат Маркази ташкил этилди.

Шундай қилиб, ўтган асрнинг 70-йиллари охири 80-йиллари бошларида техника ривожланиши ва чет элда таълимнинг компьютерлаштирилиши бошланиши оқибатида “ўқитиш технологияси” ва “педагогик технология” тушунчалари ўқув тарбиявий жараёни ташкил этиш ва бошқариш воситалари, методлари системаси сифатида қуйидагича тушунила бошланди:

1. Амалий масалаларни ечиш учун тизимли билимларни қўллаш.
2. Ўқув жараёнида техник воситалардан фойдаланиш.

Шу билан биргаликда педагогик технология амалиётида қуйидаги шартларга амал қилган ҳолда ўқишда юқори натижаларга эришиш мумкин (И.М. Сеченов, И.П. Павлов, С.Л. Рубинштейн, Ю.А. Самарин ва бошқалар):


1. Ўқувчи томонидан ўқишга фаол муносабатларни шакллантириганда.

2. Ўқув материалларини маълум кетма-кетликда берилганида.

3. Ақлий ва амалий фаолият услубларини машқларда намоиш этиш ва мустаҳкамлаш.

4. Билимларини амалда қўллаш.




 Ўқув-тарбия жараёнига соҳаги оид инновацияларни, педагогик технологияларнинг жорий этилиши – олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Янгилик киритиш таълим сифатини оширишнинг самарали воситаси бўлганлиги учун ҳам ривожланган давлатлар таълим жараёнига узлуксиз янгилик киритишга ҳаракат қиладилар. Кўпгина мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инновацион жараёнларда таълим тизимидаги барча бўғинлар иштирок этиши лозим. Аммо инновацион жараёнлар юқоридан пастга қараб ҳаракатланса ва бунда ўқитувчи бўйсунувчи, яъни янгиликнинг фақат истемолчиси бўлиб қолса, у ҳолда бу жараён натижавийликни йўқотади.

**Мавзу юзасидан тингловчиларга ўзини текшириш учун саволлар:**

1. Таълимда "инновацион жараёнлар" термини нимани англатади?
2. Инновацион фаолиятдаги акмеологик ёндашувга изоҳ беринг.
3. Инновацион фаолиятдаги "креативлик" деганда сиз нимани тушунасиз?
4. Инновацион фаолият таркибидаги "рефлексия"ни тушунтириб беринг.
5. Сизнингча раҳбарнинг инновацион фаолиятини шакллантириш шартлари нималардан иборат, изоҳлаб беринг.
6. “Педагогик технология” тушунчасига нисбатан ўзингизни таърифингизни шакллантиринг.

## 2-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ФАОЛИЯТИГА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

| РЕЖА: |   |
|-------|---|
| 1.    | Ўқув жараёни самарадорлигини оширишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш. |
| 2.    | Ўқув-услубий фаолият самарадорлигини оширишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш. |

 **Таянч тушунчалар:** *интерфаол ўқитиш, тренинг, вебинар, on line маъруза ва семинарлар, бинар машғулот, аралаш таълим (blended education), кейс-стади, ассесмент ва бошқ*

### 1. Ўқув жараёни самарадорлигини оширишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш.

Таълимни модернизациялаштириш таълим жараёнида билим, кўникма, малакаларни шакллантириш билангина ҳал бўлиб қолмайди. Ўқувчи шахсни мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис ҳис этиш, танқидий фикрлаш каби сифатлар билан боғлиқ функцияларни таълимни шахсга йўналтирилган тизими- воситасида амалга оширилади.

Таълимда таълим олувчи шахсига фаолиятли ёндашув бу таълим тизими коцепциясини ташкил этиб, бунда шахс “ субъекти” категорияси эркинликка интилиш, ўз-ўзини ривожлантириш, яхлитлик, мустақил ўқиш, ўзлигини намоён этиш ва фаоллаштириш хусусиятлари асосида англанилади, ўқув жараёни ҳамда унинг таркибий қисмлари-мақсад, мазмун, метод,шакл, усул, воситалар таълим олувчи учун шахсан аҳамиятга эга бўлгач, унинг шахсий тажрибаси маҳсули сифатида татбиқ этилади.

Олий таълими муассасаларидаги ўқув жараёнини ташкил этишнинг самарадорлигини таъминлашда ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларининг танланишига катта аҳамият берилади. Бугунги кунда таълим амалиётида қўлланилаётган самарали ўқитиш шаклларида тренинг, вебинар, on line маъруза ва семинарлар, бинар машғулотлар, шунингдек, аралаш таълим (blended education) кабиларни келтиришимиз мумкин бўлади.

**Тренинг** - интерфаол машғулотларни амалга оширишнинг асосий шакли бўлиб, у ўрганилиши лозим бўлган назарий ғоя ва фикрларни амалий иш, машқлар давомида ўзлаштириш имконини берувчи ташкилий тадбир ҳисобланади. Тренинг бу нафақат таълим олувчиларда шахслараро ўзаро ҳамкорликнинг самарали кўникмасини шакллантиришга балки, мутахассис касбий компетентлигининг умумий даражасини оширишга йўналтирилади. Тренинг мобайнида ўқитувчилар назарий маълумотларни ўзлаштириш билан

бирга, уларда билиш, эмоционал ва хулқ-атвор кўникмалари ривожланиб боради.

### Тренинг –

таҳсил олувчи фаолиятига мўлжалланган таълим шакли бўлиб, назарий маълумотларни амалий машқлар орқали ўзлаштирилишини таъминлайди. У таълим берувчи томонидан ўқитишни эмас, балки таҳсил олувчи томонидан мустақил ва фаол ўрганишни кўзда тутлади.

Тренинглар ўрганилиши лозим бўлган назарий ғоя ва фикрларни амалий иш ҳамда машқлар давомида ўзлаштириш имкониятини беради ва таълим олувчиларда шахслараро ўзаро ҳамкорликнинг самарали кўникмасини шакллантиришга, шунингдек, бўлажак мутахассис касбий компетентлигининг умумий даражасини оширишга йўналтирилади.

Ҳар қандай педагогик тренингларни ташкил этиш куйидаги босқичлардан ташкил топади:

**1. Изюминка (жозоба - тингловчилар билан ишлашнинг ўзига ҳос ажойиб томони)** тингловчиларнинг тренингга қизиқишини уйғотиш учун қисқа баҳс бошлаш, саволлар бериш, тингловчилар фикрини чалғитувчи (провакацион) таъкидларни илгари суриш ёки қандайдир фаолият турини фараз қилиш. Ўқув машғулоти тингловчиларининг дастлабки билимлари ва уларнинг ҳаётий тажрибаларини боғлашга ҳаракат қилиш. Тренинг аҳамияти нимадан иборат эканлиги сабабларини тушунтириш.

**2. Тингловчилар учун натижаларни таъкидлаш.** Тингловчиларга тренингдан қандай мақсад кутилаётганини аудиторияга тушунтириш. Тингловчилар тренинг натижасида: «Бу тренингдан кейин нималарни билишим ва нималарни қилишим лозим?» деган саволга жавоб беришлари керак.

**3. Тренернинг ҳиссаси.** Тренинг учун зарур дастлабки маълумотлар, зарур билимлар (матн, маъруза, хужжатлар, ўқиш) ва бирор фаолият турини ўтказиш учун фан мазмунини намойиш қилиш.

**4. Интерфаол стратегия - тренингнинг юрагидир.** Интерфаол услубиёнда фойдаланадиган иш тартибини қисқача баён қилиш. Интерфаол услуб-бу жамоавий муҳокамани ташкил этиш, фикрларни эркин айтиш, муҳокама, таҳлил ва фаолиятни баҳолашдир. Умуман тренингдаги фаолиятнинг ушбу турида қатнашишнинг барча қадамларини чизиб чиқиш. Гуруҳда ишлаш учун аниқ ва қисқа тушунтиришлар олиб бориш. Тингловчилар тушунганлик даражасини мунтазам назорат қилиб бориш.

Тренингни якунлашга вақт етиши учун, унинг ҳар бир қисмини диққат

билан ташкил қилиш. Бу ерда тренингни ўтказиш учун мўлжалланган саволлар муҳим аҳамиятга эгаллигини эътибордан четда қолдирмаслик. Тренер машқларни тингловчилар томонидан бажариш жараёнида топшириқларни тўғри бажаришини кузатиб бориши лозим.

**5. Дебрифинг (хулоса) баҳолаш.** Тингловчилар ўзлари ёд олган ва ўзлаштирган билим(йўналиш)лари бўйича хулоса қиладилар, ўзлаштирган маълумотлар ва малакаларни бошқа ҳолатларда, ўқувчилар билан ишлашда қўллашни муҳокама қиладилар.

Бу - тренингни баҳолаш қисмидан иборат бўлиб, бунда «Тингловчилар нимани ўргандилар?» саволига жавоб олинади. Тренинг давомида тингловчилар ўрганган ёки кўрсатган билимлари натижалар билан мос келишини текширилади.

Тренинг мобайнида ўқувчилар назарий маълумотларни ўзлаштириш билан бирга, уларда билиш, эмоционал ва хулқ-атвор кўникмалари ҳам ривожланиб боради.

Тренинглар анъанавий ўқув машғулотларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

- бунда таълим олувчилар ёки иштирокчилар гуруҳи ёши ва билим жиҳатдан бир хил бўлмайди;
- тренинг жараёнининг асосий мақсади иштирокчиларни фаоллаштиришдан иборат этиб белгиланади;
- ўқитиш ва тарбиялашнинг шакл, метод ва воситалари тренинг мақсадидан келиб чиқиб танланади ва индивидуаллаштирилади.



**Яхши тренинг ҳар доим тренер ва қатнашчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатларига асосланади.**

### **Тренингни ўтказиш техникаси.**

Тингловчилар билан новербал (сўзсиз, мимика, пантомимика, қараш ва ҳоказо) алоқа ўрнатиш:

1. Гапираётганингизда ҳар бир тингловчини кўз остингизда тутинг. Ҳаммага бир хил эътибор беринг, Сиз гуруҳдаги баъзи одамларга хайрихоҳ бўлиб қолманг.

2. Хонада гуруҳнинг диққатини бузмасдан ҳаракат қилинг (тез-тез ва мақсадсиз юришлардан қочинг, шунингдек, гуруҳга ўзингиз кўринмайдиган жойдан туриб гапиринг).

3. Тингловчиларнинг бош қимирлатиши, табассуми ва хатти ҳаракатлари ниманидир айтмоқчи эканлигига хоҳиши борлигига эътибор беринг.

4. Гуруҳ қаршисида тулинг. Ўқиш ва тренинг бошланганда ўтирманг (хотиржам, шу билан бирга мақсадли ва қатъий бўлинг)

### **Вербал (нутқий) алоқа ўрнатиш:**

1. Саволларни шундай тулингки, тингловчилар гапирсин. Бунда Сизга очик саволлар ёрдам беради: «Сиз бу ҳақда нима дейсиз?», «Нимага?», «Қандай? «Агар? ва ҳоказо. Агар тингловчи «Ҳа», «Йўқ» деб жавоб берса, «Нега шундай гапиряпсиз?» деб сўранг.

2. Бошқа тингловчилар тасдиқланган фикрларга қўшилиш ёки қўшилмаслигини сўранг?

3. Ўз овозингиз оҳангига эътибор беринг. Айниқса, тингловчилар ичида педагогик маълумоти бўлмаган кишилар бўлса, у ҳолда аста-секин ва аниқ гапиринг.

4. Тингловчиларни ўзингиздан кўпроқ гапиришга унданг. Ўзингиз ва тингловчиларнинг сўзга чиқиш вақтларини ҳисобга олиб боринг.

5. Ҳамма саволларга фақат ўзингиз жавоб берманг. Тингловчилар бир-бирининг саволларига жавоб бериши мумкинлигини унутманг. Бу Сизнинг захирангизни кўпайтиради. «Кимдир бу саволга жавоб бера оладими?» деб сўранг.

6. Тингловчиларнинг фикрини ўз сўзингиз билан такрорлаб, бир оз ўзгартириб ифода қилинг. Бу Сизга гапирувчини тушунишингизни етарли даражада назорат қилишга имконият беради ва муҳокама саволларини тушунишни кучайтиради.

7. Баҳс умумлаштирилган натижалари моҳиятини ҳар бир тингловчи тўғри тушунганига ва тўғри йўналишда кетаётганлигига амин бўлинг. Бу қарама-қаршиликларни кўриш ва хулоса чиқариш учун қулай фурсатдир.

8. Шахсий тажрибангиз мазкур баҳсга мос келса, тингловчилар фикрларини мустаҳкамланг. «Бу менга ўтган йилги воқеани эслатади» - дейишингиз мумкин.

Самарали ўқитиш шакллари билан бир қаторда ўқитиш методларининг тўғри танланиши ҳам таълим жараёнидан кўзланган мақсад ва кутилаётган натижани кафолатловчи восита сифатида хизмат қилади.

Илмий адабиётларда **метод** – табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш усули, ҳаракат қилиш тарзи сифатида изоҳланади<sup>3</sup>.

Бизнинг фикримизча, метод – мақсадга элтувчи йўл, яъни, мақсадга эришиш йўлдаги хатти-ҳаракатларнинг ўзига хослигидир.

Ўқитиш методлари ўқув жараёнининг асосий қисми ҳисобланиб, тегишли методларсиз педагогик фаолиятни амалга ошириб бўлмайди.

---

<sup>3</sup> Энциклопедия педагогических технологий. – М.: Владос, 2005. – 463 с.

Замонавий педагогик-психологик тадқиқотларнинг амалий йўналиши сифатида бугунги кунда педагогикада ўқитишнинг бир неча методлари фарқланади:

Пассив – таълим олувчи ўқитишнинг “объекти” сифатида намоён бўлади ( тинглайди ва кўради);

Актив – таълим олувчи ўқитиш жараёнининг “субъекти” сифатида намоён бўлади( мустақил иш, ижодий тпшириқлар);

Интерфаол – педагог ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

### Ўқитиш методлари

Пассив метод – таълим олувчи ўқитишнинг “объекти” сифатида намоён бўлади

Актив метод – таълим олувчи ўқитиш жараёнининг “субъекти” сифатида намоён бўлади.

Интерфаол метод – педагог ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади.

Интерфаол сўзи инглизча сўз бўлиб, «inter» - ўзаро ва «act» - ҳаракат қилмоқ маъноларини билдириб, уларнинг умумий мазмуни интерфаол - яъни ўзаро ҳаракат қилмоқ маъносини англатади. Бундай ўзаро ҳаракат турларига “талаба – ўқитувчи” ва “талаба-талаба”нинг мақсадли ҳаракатларини киритиш мумкин. Интерфаол ўқитишда ўқитувчи ўқув фаолиятининг фаол ташкилотчиси бўлиб, ўқувчи бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

Ўқитишнинг интерфаол методлари ҳаётини вазиятларни моделлаштириш, ролли ўйинлардан фойдаланиш, муаммоларни ҳамкорликда ечишда кўриб чиқилади. Интерфаол ўқитиш бу билиш фаолиятини ривожлантиришнинг махсус ташкилий шакли бўлиб, интерфаол ўқитиш жараёнида таълим олувчи ўқитишнинг объектдан ўзаро ҳамкорликнинг субъектига айланиши, ўқув жараёнида фаол иштирок этиши билан тавсифланади.

Интерфаол ўқитиш ўқувчилардан ахборотларни ўзлаштириш жараёнида фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, таълим мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради. Бунда таълимнинг қуйидаги концепциялари фундаменталь асос сифатида хизмат қилади:



- ўқитувчининг жадал фаолияти – ўқув фаолиятининг асосий кўриниши сифатида намоён бўлиб, у мазкур ҳаракатнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида фаолият кўрсатади;

- ўқув фаолиятининг асосий негизи ва натижаси, мазкур фаолиятнинг субъекти – талаба ҳисобланади;

- муваффақиятли ўқув фаолиятининг асосий кўрсаткичи, унинг натижаси ўқувчининг фикрлаш усулларини ўрганиш ва амалий масалаларни ижодий ҳал этиш, эркин, мустақил ҳаракат қила олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат;

- ўқув фаолиятнинг асосий кўрсаткичи ўқув топшириқлари ҳисобланади. Бунда таълим жараёнининг асосий субъекти бўлган талабада фикрлаш, билиш ҳаракати усулларини ривожлантирувчи ўқитиш тактикаси муҳим ўрин тутаяди;

- ўқув фаолиятини амалга ошириш жараёни талабадан ўзининг шахсий билиш маҳорати ва кўникмаларини ўзлаштириб олиши учун замин ҳозирлашдан иборат.

#### «SWOT-таҳлил» методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

**S** – (**strength**) – кучли томонлари

**W** – (**weakness**) – заиф, кучсиз томонлари

**O** – (**opportunitu**) – имкониятлари

**T** – (**tnreat**) – тўсиқлар

#### «ФСМУ» методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Мазкур методдан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади:

**Ф** – фикрингизни баён этинг.

**С** – фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг.

**М** – кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг.

**У** – фикрингизни умумлаштиринг.


### «Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи.

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

«Хулосалаш» методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### «Т – схема» методи.

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод бирор тушунча, ёки мавзу бўйича ўрганилган ахборотлар тизимини қиёсий таҳлил этиш, солиштириш, мустақил муносабатни шакллантиришга имконият яратиш мақсадида қўлланилади.




### «Инсерт» техникаси

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

#### Белгилар

“V” – таниш маълумот.


“?” – мазкур маълумотни тушунмадим,



изоҳ керак.

“+” бу маълумот мен учун янгилик.

“\_ ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?




### «Тушунчалар таҳлили» методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

**Венн Диаграммаси** (инглиз файласуфи Джон Венна номи билан аталган).

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Намуна: “Электрон педагогика” фанидан



### “Синквэйн” методи

**Методнинг мақсади:** «Синквэйн» сўзи французча сўздан олинган бўлиб, «беш мисрадан иборат шеър» таржимасини беради. Амалиётда «Синквэйн»: мураккаб ахборотларни синтезлаш курали ва тушунчалар заҳирасини баҳолаш воситаси; ижодий ифодалилик воситаси сифатида жуда фойдалидир. «Синквэйн» таянч касбий тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор восита ҳисобланади.

**«Синквэйн» тузиш қондаси қуйидагича:**

- биринчи қаторда бир сўз билан мавзу ёзилади - одатда от туркумидаги оид сўз билан;
- иккинчи қаторда мавзу икки сўз билан таъсвирланади - сифат туркумига оид икки сўз билан;
- учинчи қаторда ушбу мавзу бўйича хатти-ҳаракатлар уч сўз билан таъсвирланади;
- тўртинчи қаторда мавзуга алоқадорликни кўрсатувчи тўртта сўздан иборат гап ёзилади;
- бешинчи қатор мавзу моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синоним шакллантирилади.

### **Икки қисмли кундалик методи**

**Методнинг мақсади** – мазкур метод нафақат матннинг мазмунини ўрганишга, матн мазмунини ўзининг шахсий тажрибаси билан боғлашга ва ўзлаштирган ахборот, ғоя, ёки фикрларга нисбатан ўз муносабатини ёзма ифода этишга имкон берувчи оддий ва самарали усул бўлиб, ўқувчилардаги шахсий позицияни шакллантиришга ёрдам беради.

## **2. Ўқув-услубий фаолият самарадорлигини оширишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.**

Бугунги кунда *blended learning* деганда кундузги анъанвий таълим ва масофавий таълимнинг элементларини комбинацияси ҳам тушунилмоқда. Бу тизимда ўқитувчи таълим марказида қолади ва Интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланди.

Деклан Берн "*blended learning*" (аралаш таълим) ҳақида шундай дейди- ушбу таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган. Бундай ёндашув ахборотни тақдим этишда турли методикалардан фойдаланишни, таълимни ташкил этишда ва таълим жараёнида ахборот технологиялари, индивидуал ва гуруҳларда анъанавий фаолиятни ташкил этишга асосланиши мумкин. Бундай турлича ёндашув талабани чарчатмайди ва ўқишга бўлган мотивларини кучайтиради. Асосий масала танланган методикаларнинг ўзаро муттаносиблигини таъминлаш ва кам ҳаражат асосида юқори самарадорликка эришиш ҳисобланади.



Аралаш таълим (*blended education*) асосидаги ўқитиш қуйидаги компонентлардан ташкил топади:

- Маъруза машғулотлари – on line курслар орқали ўзлаштирилади;
- Семинар, амалий машғулотларда (*face-to-face sessions*) – мавзунинг ёки ўқув материалнинг энг қизиқарли ва муҳим жиҳатлари муҳокама қилинади;

- Ўқув материаллари электрон ёки қоғоз шаклда, мультимедия ишланмалари билан шакллантирилади;
- Онлайн мулоқот – чат, форум, e-mail;
- Индивидуаль ва гуруҳий онлайн лойиҳалар;
- Виртуаль ўқув хонасидаги мулоқот;
- Аудио ва видео маърузалар, анимация ва симуляциялар.

Бугун масафавий таълимнинг яна бир тури «webinar» (1998 йилда бу термин мулоқатга киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитишни web –технология асосида интерактив ҳолда ташкил этишни назарда тутди. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказди балки, улар билан мулоқатга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратади, яъни семинар кўринишида фикрларни алмашиш, ўз фикрини баён этиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим ҳам субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.

### «Кейс-стади» методи.

**Методнинг мақсади:** «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1920 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган.

### Кейс методини амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари   | Фаолият шакли ва мазмуни  |
|---|---|
| <p><b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш</p>                | <p>якка тартибдаги аудио-визуал иш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• вазият билан танишиш;</li> <li>• ахборотни умумлаштириш;</li> <li>• ахборот таҳлили;</li> <li>• муаммоларни аниқлаш</li> </ul> |
| <p><b>2-босқич:</b> Муаммоли вазиятни аниқлаштириш ва муаммоли топшириқни белгилаш</p>  | <ul style="list-style-type: none"> <li>• индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>• муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>• асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>                           |
| <p><b>3-босқич:</b> Муаммоли топшириқ ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш</p> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>• муқобил ечим йўлларини</li> </ul>  |

ишлаб чиқиш;

- ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;

- муқобил ечимларни танлаш

**4-босқич:** Муаммоли топшириқ ечимини шакллантириш ва асослаш

- якка ва гуруҳда ишлаш;
- муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;

- ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;

- якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

### “Ассесмент” методи

Ассесмент – инглиз тилидан кириб келган тушунча бўлиб, **assessment** - “баҳо”, “баҳолаш” деган маъноларни билдиради. Мазкур метод XX асрнинг 30-40-йилларидан бошлаб илм-фанга кириб келган.

Кейинчалик «ассесмент» тушунчаси бизнес ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида ҳам қўлланила бошлади. Бу метод савдо компанияларида тажрибали топ-менеджерларни аниқлашда жуда қўл келган. XX асрнинг 50-йилларига келиб бизнес-психологлари томонидан корхоналарни тажрибали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Ассесмент марказлари («The Assessment Centre» - АЦ) ташкил этила бошлаган. 1956 йиллардан бошлаб фуқаролик ташкилотларида ҳам Ассесмент марказлари фаолият юрита бошлаган. Масалан машҳур «American Telephone and Telegraph Company» (AT&T) компанияси менеджерлик позициясига кандидатураларни танлаб олишда илк бор Ассесмент марказларидан фойдаланган. Тадбиркор, DDI деб номланувчи дунёдаги энг йирик баҳолаш компаниясининг асосчиси Дуглас Брей раҳбарлигида AT&T компаниясида ассесмент усулида лойиҳалаштирилган ҳамда ўтказилган ушбу танлов машҳур Management Progress Studyнинг асосини ташкил этган. Психология фанида узоқ муддат давом этадиган лонгитюд тадқиқот иши илк бор Ассесмент марказларининг башорат (прогноз) қилувчи кучини ишонарли тарзда исботлаб берди. Тадқиқот натижаларининг кенг жорий этилиши АҚШларида, сўнгра бошқа давлатларда ҳам мазкур методни қўллашга бўлган қизиқишни оширди ва амалиётга чуқур кириб борди. Бугунги кунда бу метод Осиё давлатларида йирик компанияларда кадрлар менежментида қўлланилмоқда. Россияда эса мазкур метод 1990 йиллардан бошлаб қўлланила бошлади. Ўзбекистон шароитида эса бу тушунча педагогика, бевосита таълим ва тарбия соҳасига XXI асрда кириб келди.



Бир қарашда ассесмент тренинга жуда ўхшаш, яъни унда иштирокчиларга маълум топшириқ ёки бўлмаса ишчан ўйинлар тавсия этилади. Лекин бу иккала метод ўз мақсадларига кўра бир-бирларидан фарқ қилади. Тренингларда асосан иштирокчиларнинг кўникма ва малакалари шакллантирилиб, ривожлантирилса ассесмент методида эса барча иштирокчиларнинг кучли ҳамда кучсиз томонларини намоён этиши учун имконият яратишдан иборатдир.

Ассесмент марказларида бир вақтнинг ўзида бир неча ходимларни баҳолаш мумкин. Ассесментга қатнашувчи биринчи гуруҳга топшириқ ва вазифаларнинг мажмуаси берилса, иккинчи гуруҳга олдиндин ишлаб чиқилган шкалалар бўйича топшириқлар берилиши мумкин.

Индивидуаль ассесмент инсоннинг ўзини қанчалик намоён этишини кўрсатиб, муайян вазиятларда унинг ўзини қандай тутишини моделлаштиради.

Демак, олдида қўйган мақсади ҳамда вазифалари нуқтаи назардан бирдек мазмунга эга бўлгани билан ассесмент марказлари билан индивидуаль ассесментлар ўзларининг қўйидаги жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Булар:

- натижаларнинг чуқурлиги ва аниқлик даражаси,
- натижаларнинг объективлик даражаси,
- ассесмент жараёнлари

Ассесмент марказлари оммавий баҳолаш йўли бўлса, индивидуаль ассесмент эса эксклюзив ҳамда аниқ метод ҳисобланади.

Мутахассисга таълим бериш ва ривожлантириш эмас, балки ушбу жиҳатларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш ассесментнинг асосий мазмунини ташкил этади. Ассесмент марказларида ассесментларни тузувчи мутахассисларга нисбатан «ассессор» тушунчаси қўлланилади. Ассесмент тузиш ишлари ассесордан ўша соҳа бўйича чуқур билим, кўникма, малакани ва тажрибани талаб этади.

### **Ассесмент нима учун керак?**

1. Кадрларни раҳбарликка танлашда уларнинг салоҳиятини ҳамда самарали фаолият олиб бориш имкониятларини аниқлашда. Яъни юқори лавозимларга бир нечта номзодларнинг ичидан энг кучлисини танлаб олишда.

2. Ишхонада жуд кучли ходимлар фаолият юритиши мумкин. Лекин улар ўзларидаги бу жиҳатларни тўлиқ ишга солмаслиги ёки ишдан умуман кетиши ва аксинча ишда кучсиз ходимлар ишлаб қолиши мумкин. Демак, ассесмент муайян соҳада фаолият юритаётган кадрларнинг келажак имкониятларини аниқлашда қолиши мумкин.

3. Кадрларнинг билим ва малакаларини оширишни режалаштиришда, тажриба алмашишларини ташкил этишда.

4. Кадрларни режалаштиришда. Агарда ассесмент натижалари ходимларнинг касбий компетентлиги қуйи даражада бўладиган бўлса, бу ҳолатни бартараф этишга доир махсус дастурлар ишлаб чиқишда ва ҳ.к.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш жоизки, ассесмент натижаларини баҳолашда қўйидаги жиҳатлар жуда муҳимдир:

1. Ходимнинг имкониятлари (у муайян вазиятларни бошқара оладими?).
2. Ходимнинг фаолият натижалари (у яхши ишлашга ҳаракат қиладими?).
3. Ходимнинг келажак имкониятлари (у қандай ишлаш кераклиги бўйича имкониятларга эгами?).

Бугунги кунда ушбу метод раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида кадрлар компететлигини баҳолашда кенг қўлланилмоқда.

Ассесмент орқали раҳбар ва педагог кадрларнинг қўйидаги **даражаларини объектив баҳолаш** имкони туғилади:

- билим даражасини,
- касбий маҳоратини,
- касбий компонентлигини,
- индивидуал ўзига хос хусусиятларини,
- касбий салоҳияти ҳамда потенциал имкониятларини,
- мутахассиснинг олдида қўйилган талабларига жавоб бериш даражаларини объектив баҳолаш.

Баҳолаш ишлари мутахассиснинг реалъ моделлаштирилган машқларни бажаришдаги реалъ ҳатти-ҳаракатларини назорат қилиш орқали амалга оширилади.

**Намуна:** “Ўзбекистон Республикасининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар” мавзусида ассесмент намунаси.

#### Тест

1. “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” ги Президент фармойиши қачон қабул қилинган?

- А. 2005 йил В. 2002 йил
- С. 1997 йил

#### Симптом

Электрон ҳужжат бу...

#### Қиёсий таҳлил

Ахборот ресурси ва ахборот тизими ўртасидаги фарқни қиёсий таҳлил қилинг?

#### Амалий кўникма

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатлардан 3 тасини мисол келтиринг?

**Мавзу юзасидан тингловчиларни ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар ва вазифалар:**

1. Инновацион таълим шаклларига мисол келтиринг?
2. Интерфаол таълим методларининг асосий мақсади нимага йўналтирилади ва Сизнингча уларнинг самарадорлиги нимада?
3. Кейс стади методининг афзалликлари нимада?
4. Семинар-тренинглари ташкил этишга нисбатан қандай талаблар қўйилади?

### 3-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД ИННОВАЦИЯЛАР

| РЕЖА: |  |
|-------|--|
| 1.    | Кредит-модул тизими, ECTS (European Credit Transfer System) ва унинг ўзига хосликлари      |
| 2.    | Мустақил фаолият натижаларини баҳолашда тест топшириқлари, даражали тестлардан фойдаланиш. |

**Таянч тушунчалар:** модулли ўқитиш, модул-кредит тизими, ECTS (European Credit Transfer System), даражали тестлар

#### 1. Кредит-модул тизими, ECTS (European Credit Transfer System) ва унинг ўзига хосликлари.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишда модулли таълим технологиялари, модул-кредит тизими, ўқув лойиҳалари алоҳида ўрин тутди.

**Мудулли технологиялар**- энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган, билим, кўникма ва малакаларни диагностикасида турли шаклларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилувчи яхлит жараён.

**Модуль** - мазмуний ва мантиқий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.

**Модуль дастур**- бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндисидир.

**Ўқув модули** – нисбатан мустақил, мантиқий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат.

Модулли технологиялар мустақил фаолият асосида талабаларда билим, кўникмаларни шакллантириш, уларда режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўзлаштириш бўйича самарали натижани таъминлашга қаратилган энг самарали ёндашувлардан бири бўлиб қолмоқда. Модул бу шундай мақсадгша йўналтирилган боғламки, у ўзида ўрганиладиган мазмунни ва уни ўзлаштириш технологиясини акс эттиради.

Бугунги кунда талаба шахсини барча имкониятларини юзага чиқариш учун албатта таълим шахсга йўналтирилган характерда бўлиши талаб этилади.

Бунинг учун таълимни ташкил этиш жараёнида талабанинг қобилиятлари, эҳтиёжлари ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Ана шу элементлар ҳисобга олинган тақдирда ўз-ўзидан табақалаштирилган, ривожлантирувчи, ўқишга бўлган мотивларни кучайтирувчи “субъект-субъект” концепциясига асосланган таълим тизими келиб чиқади.

Анъанавий таълим тизимида чуқур ўрнашиб қолган педагогик парадигмалардан бири бу субъект-объект муносабатларидир. Бу ёндашув немис педагоги И.Ф.Гербард томонидан (1776-1841йиллар) киритилган. Бундай ёндашувда педагог субъект рлини бажаради ва қандай ўқитиш, қандай талабаларни ишлаб чиқиш, талабалар жамоасини қай йўналишда ривожлантиришни фақат ўз ёндашуви асосида ҳал этади. Талабалар эса пассив ҳолда объект ролини бажаради. Талабаларнинг асосий фаолияти эслаб қолиш, тушиниш, қўллашга ўрганиш ҳисобланади. Бу парагдимага қарши ғояни америкалик педагог Д. Дьюи ишлаб (1859-1952 ) чиқади. Унинг фикрича нимани ва қандай ўқиш лозим деган саволларга жавоб топишда талабага ҳам эркинлик бериш ва унинг ҳохишларини ҳисобга олиш лозим. Токи талаба ўз фаолиятини, ўз тақдирини, ўз ҳаётини мустақил бошқаришга фаол киришсин. Бу концепция “субъект-субъект” муносабатлари сифатида тан олинди ва кўпгина ривожланган давлатлар таълим тизимида ўз ўрнига эга.

Айтиш жоизки, таълим тарихида йиғилган бой дидактик тажрибанинг ижобий жиҳатлари ўз аксини модулли таълимда топди.

“Модулли таълим ” тушунчаси 1971 йилларда Дж.Рассел томонидан киритилди. Рассел модулни ўқув пакети сифатида талқин этади ва унга ўқув материалнинг концептуал бирлигини ўрганишга оид ҳаракатларни киратади. Б.М.Гольдшмид – модулни талабага маълум кўзланган натижага етишга ёрдам берувчи мустақил бирлик сифатида талқин этади (1972 й).

Г.Оуенс модулни ёпиқ комплекс сифатида талқин этади ва бу комплексга ўқитувчи, ўқувчи, ўрганиладиган ахборот материали, воситаларни киритади.(1975 й).

Замонавий тадқиқотчилардан бири П.А.Юцявичене модулни маълум даражадаги мустақил ахборотдан ҳамда мақсадли равишдаги методик бошқарув асосида мақсад қилиб қўйилган натижаларни таъминлашга қаратилган бирлик сифатида таҳлил этади.

Н.В. Борисова, В.М. К.Я. Вазина, Гареев, Е.М. Дурко, В.В. Карпов, М.Н. Катханов, С.И. Куликов, П. Юцявичене ва бошқа олимларнинг фикрларини ўрганиш натижасида қуйидаги кўринишлардаги модулларни ажаратиш мумкин:

- мустақил концептуал кичик бирлик;
- модул мустақил бирлик сифатида бир ўқув курсини ўз ичига олиб, бир неча блокларни ўзида мужассам этади;

- модул маълум мутахассисликка тегишли бўлган бир қанча ўқув предметларни ўзида мужассамлаштирувчи фанлараро бирлик бўла олади;
- аниқ бир мутахассисликни эгаллашга йўналтирилган касбий таълим модули.

Бундан ташқари “модул” тушунчасига тегишли бўлган бир қанча хусусиятларни ажратиш мумкин:

- Мақсад;
- Турли хил турдаги ўқув фаолиятини интеграцияси;
- Методик таъминот;
- Мустақил ривожланиш;
- Таълим жараёнидаги талабанинг мустақиллиги;
- Ўқув ахборотини таҳлил қилиш ва структуралаштириш кўникмаси;
- Назорат ва ўз-ўзини назорат;
- Талабанинг таълим олишдаги шахсий траекторияси.

**Модуль бир неча блоклардан иборат бўлиши мумкин:**

1. Блок. Кириш назорати- янги мавзунини ўрганиш учун мавжуд базавий ва қолдиқ билимларни текширишга қаратилган.

2. Блок. Назарий блок. Мавзунинг ҳар бир мантиқий бўлаги учун тузилган ахборот ва кўرғазмали материаллардан иборат (Ахборот расм, диаграмма, схемаларда тўлиқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ).

3. Блок. Назарий ахборотни ҳар бир бўлагини талабалар билан биргаликда таҳлил этишга қаратилган.

4. Блок. Амалий блок. Назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш.

5. Блок. Чуқурлашиб борувчи блок. Мавзуга оид соҳа бўйича мураккаб топшириқларни бажариш.

6. Блок. Назорат блоки. Бажарилган топшириқларни назорат қилиш.

7. Блок. Назорат натижаларини таҳлил этиш. Умумий йўл қўйилган ҳатоликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

8. Блок. Чиқиш назорати. Мавзу бўйича белгиланган топшириқларни бажариш ва топшириш.

**Модулли ёндашув тамойиллари:**

- ⊙ Модуллик
- ⊙ Мазмунни структуралаштириш
- ⊙ Динамик ҳаракатни таъминлаш (соддадан-мураккабга)
- ⊙ Фаолиятлик
- ⊙ Мослашувчанлик (гибкость)
- ⊙ Натижаларни олдиндан аниқлаш
- ⊙ Маслаҳатларнинг турли-туманлигини таъминлаш.



### **Модуль турлари:**

◎ Назарий модуллар (назарий билимларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).

◎ Амалий модуллар (амалий кўникмаларни ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).

◎ Технологик ёки аралаш модуллар (назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).

### **Модулнинг таркибий қисмлари.**

Модул дастур комплекс дидактик мақсаддан ва бу мақсадга эришишга хизмат қилувчи модул блоклари йиғиндисидан иборат.

Модул дастурини ишлаб чиқиш учун асосий ғояларни ажаратиб олиш ва блок-модулларда структуралаштириш, сўнгра комплекс дидактик мақсадларни шакллантириш талаб этилади. Комплекс дидактик мақсадлар модул-блокларининг мақсадларига, яъни интегратив дидактик мақсадларга (ИДМ) ва хусусий дидактик мақсадларга (ХДМ) бўлинади, уни эса ўз навбатида ўқув элементлари ташкил этади.

Модул дастурларнинг мақсади албатта малакали мутахассисни етиштиришга хизмат қилади. Модул дастурнинг мақсадини тузишда ана шу мутахассисга қандай талабалар тизими қўйилаётган эканини аниқлаб олишдан бошланади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, бугунги кунда мутахассисга қўйиладиган умумий талабалар тизими ўрганилиб уларни уч асосий гуруҳга ажратилмоқда. Мутахассисни компетентлигини аниқловчи мезонларни қуйидаги категорияларга бўлиш мумкин:

#### **Инструментал компетенциялар:**

- анализ ва синтез қобилиятига эга бўлиш;
- режалаштириш ва ташкил этиш қобилияти;
- умумий базавий билимларга эга эканлиги;
- мутахассислик бўйича базавий билимларни эгаллаганлиги;
- она тилида бемалол мулоқатга кириша олиш;
- ахборот технологияларидан фойдалан олиш малакалари;
- ахборот материали билан ишлаш қобилияти;
- муаммоларни ечиш қобилияти;
- Қарорлар қабул қилиш қобилияти.

#### **Комуникатив компетентлик:**

- танқид ва ўз-ўзини танқид қила олиш;
- груҳда фаолият кўрсатаолиш; -ўзаро мулоқатга кириша олиш;
- ахлоқий қадриятларни тан олиш;
- турли халқлар маданиятига хурмат билан қараш;
- бошқа йўналишда фаолият юритувчи экспертлар билан муносабатга кириша олиш.

### **Тизимли компентентлик:**

- билимларини амалда тизимли равишда қўллай олиш;
- тадқиқот олиб бориш;
- янги шароитга мослашиш;
- ижод қилиш;
- лидерлик қобилиятини ўстириб бориш;
- индивидуал ҳолда фаолият юритиш қобилияти;
- лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш;
- тадбиркорлик ва янги ғояларни илгари суриш;
- маъсулиятлилик;
- муваффақиятга эришиш мотивининг ривожланганлиги<sup>4</sup>.

Танланган мутахассислик бўйича умумий дидактик мақсадлар тасдиқланган стандартда ўз аксини топган. Модул дастурини ишлаб чиқишда ана шу стандарт талабларига асосланилади.

Модулларни ишлаб чиқишда учта асосий компонентга эътибор қаратиш лозим:

1. Модул спецификацияси.
2. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.
3. Модулнинг ўқув материални ишлаб чиқиш.

**I. Модул спецификацияси**-ана шу модул ҳақида тўлиқ маълумотни ўзида акс эттиради. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

**1.1.Модулнинг номи.** Модулларнинг номлари мазмунга мос бўлиши ва қайтарилишларга йўл қўймаслик лозим.

**1.2.Ўқитишнинг мақсади.** Мана шу модулни ўзлаштириш натижасида қандай фаолият юритиш имкони туғилиши, касбий тайёргаликдаги ахамияти ёритиб берилиши лозим. Талабанинг режали касбий ва шахсий ривожланиши акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

**1.3.Ўқитиш натижалари.** Модулни ўрганиш натижасида қандай билимларни эгаллаши, қандай кўникма ва малакалар шакллантирилиши санаб ўтилади. Ўзлаштириш жараёни тугагандан сўнг талаба қандай фаолиятни қандай шароитларда бажара олиши кўрсатилади. Натижалар узвий бирликка эга бўлиб, ўқитиш мақсадларидан четга чиқмаган ҳолда шакллантирилиши лозим. Натижаларни текшириш жараёнида бир неча кўникмаларни эгалланиши назарда тутилиши лозим. Одатда бир модул 3-5 турдаги кўникмани эгаллашга қаратилган бўлиб, уни эгалланганлиги мақсадга эришилганлик даражасини кўрсатади. Эришиладиган натижалар аниқлаштирилган мақсадларни шакллантириш қоидалари асосида шакллантирилади.

### **II. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.**

**2.1. Баҳолаш мезонлари.** Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фаолият

---

<sup>4</sup> Проворова О.Г.Принципы модульного обучения. Красноярск-2006-32 с.

объекти, бажариладиган фаолият тури, фаолият сифати, бажарилган фаолиятнинг стандартлари кўриб чиқилади. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ўқитиш натижаларига мос ҳолдаги фаолият тури ишлаб чиқилиши лозим. Ҳар бир натижани текшириш мезонлари 4 ёки 6 тадан ошмаслиги тавсия этилади.

**2.2. Ўзлаштириш даражаси.** Ўзлаштирилганлик даражасини чуқурлигини кўрсатувчи мезонлар ишлаб чиқилади, баъзи ҳолларда уни ишлаб чиқиш шарт эмас, агар у баҳолаш мезонларида кўрсатилган бўлса. Ўзлаштирилганлик даражасини исботловчи эришилган натижа турли кўринишда бўлиши мумкин. Ўзлаштириш объекти-тайёрланган предмет, амалий топшириқ, оғзаки ёки ёзма жавоблар тарзида бўлиши мумкин.

**2.3. Модулга кириш назорати.** Модулни ўрганиш учун зарур бўлган таълим ва билимлар тизимини кўрсатади.

**2.4. Ўқув жараёнини давомийлиги.** Давомийлик ўқув соатлари ёки зачёт бирликлари кўринишида акс этади.

**2.5. Баҳолаш.** Баҳолаш тизимини ишлаб чиқаётганда унинг ҳаққонийлигига ва ишончли бўлишига эътибор қаратиш лозим. Якуний назорат алоҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Баъзи модулларда ягона баҳо ҳам қўйилиши мумкин. Баҳолаш тизими модулнинг характеридан келиб чиқиб танланади.

**2.6. Модулнинг тушунтириш хати.** Ушбу хат тавиялар кўринишида бўлиб, педагог шахсига йўналтирилган. Унда педагогга қўшимча тавсиялар, баҳолаш жараёнини олиб боришнинг янги имкониятлари, қўллаш мумкин бўлган усулларга тавсиф берилади. Лойиҳа, портфолио каби усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

### **III. Ўқув материали.**

Ўқув материали ахборот матнини ва дидактик воситаларни ўзида акс эттиради. Ахборот матнида адабиётлар, иловалар ва ҳаволалар ўз аксини топади. Қайтар алоқани амалга ошириш учун ахборотни ишлаб чиқишда жорий назорат учун топшириқлар ва уларни ишлаб чиқиш намуналарини киритиш тавсия этилади. Ахборот материали тушунарли, лўнда ва кўрғазмали бўлиши лозим.

Модулли таълим индивидуал ёндашув воситасидир. Талаба мустақил равишда ёки педагогнинг маълум маслаҳатларидан фойдаланган ҳолда қўйилган дидактик мақсадга эришади. Ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади. Ўқитувчига ўзлаштириш жараёнини тўғри баҳолаб бориш, талабанинг мустақил фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг тараққиётини кузатиб бориш масъулият юклатилади. Талаба фаолиятини самарасини баҳолаш, ўз вақтида коррективлар киритиб туриш лозим.

### **Модулни таркибий қисмлари:**

1. Модулни номи.
2. Модулни ўзлаштиришдан мақсад.
3. Модуль билан ишлаш учун методик тавсиялар.
4. Назарий ахборот банки ва таянч тушунчалар.
5. Семинар, амалий ва лабаротория ишларининг мазмуни, топшириқлар ва уларни бажаришга ёрдам берувчи тавсиялар.
6. Жорий назорат топшириқлари.
7. Индивидуал ҳолда бажариладиган мустақил топшириқлар.
8. Ёзма назорат вариантлари.
9. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.
10. Талаба йиғиши мумкин бўлган рейтинг баллари.

Модулли таълим юқорида айтиб ўтилганидек “субъект-субъект” муносабатларига қурилган. Шу сабабали талабаларнинг мустақил фаолиятига катта эътибор қаратилади. Талаба мустақил фаолиятини самарали бўлиши учун педагогдан турли хилдаги маслаҳатлар тизими талаб қилинади. Шу сабабли хориж тажрибасида педагогик ёрдамнинг турли кўринишлари такомиллашиб борди ва бугунги кунда педагогик фаолиятига кўра бир қанча тушунчалар келиб чиқишига сабаб бўлди. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

**Тьютер** - ( лот. *tutorem* – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган.

**Эдвайзер**- (*advisor* - қадимги француз сўзи “*avisen*”, “ўйламоқ” сўзидан олинган ) индивидуал ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот олиб бориш, индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир.

**Фасилитатор** (ингл. *facilitator*, лот. *facilis* — «енгил, қулай» деган маънони билдиради) — фасилитатор груҳларда фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади. У гуруҳлардаги фаолиятни самарали бўлишини таъминлаши, гуруҳда соғлом комуникацияни ўрнатиши, гуруҳда ишлаш қоидаларига ва регаментларга амал қилишни таъминлаши жоиз. Фасилитатор гуруҳда қулай психологик муҳитни яратади ва фаолиятни самарали бўлишига ёрдам беради. Ушбу тушунча мумтоз психолог Роджерс Карл томонидан киритилган бўлиб, инглиз забон мамлакатларининг таълим муассасаларида кенг фойдаланилади. 1989 йилдан буён Халқаро бош фасилитаторлар ассоциацияси (*The International Association of Facilitators*) фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда унинг фаолиятида 63 давлатнинг 1200 аъзоси иштирок этмоқда. Фасилитатор фаолияти турли моделларда учрайди. Фасилитатор фаолияти ҳар қандай тренингнинг таркибига киради. Турли амалий фаолиятларни онлайн тизимида, гуруҳларда ташкил этиш жараёнида фасилитаторлик хусусиятлари ўз аксини топади.

**Модератор** - ( лот. moderor — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

**Супервизор**- қуйидаги тўрт фазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.

**Супервизия** — бу ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутаяди. Бу фаолият айниқса психотерапевтларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Супервизия касбий компетентликни оширишга, билим, кўникмаларни янада такамоллаштиришга ва шахсий камолотга эришишга ёрдам беради. Умуман олганда, юқорида қайд этилган тушунчалар бир маъно ва бир вазифани ўзида ақс эттирмайди. Улар орасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Улар ҳаммаси маслаҳат тизимига эга бўлиб, қандайдир фаолиятга урғу берган ҳолда олиб борилади. Лекин турли олийгоҳларда ушбу фаолиятлар турлича номланиши ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, модулли ёндашувнинг **мақсади** - ахборотни ўзлаштириш, идрок этилган ахборотни мустақил таҳлил қилиш, ўз мустақил фикрларини билдиришни тақазо этувчи ва қисқа муддатда оптимал усуллар ёрдамида белгиланган мақсадларга эришишдир<sup>5</sup>.

Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини назорат қилишда технологик ёндашув ўзига хос жиҳатларга эга. Назорат жараёни мақсадларга мос ва қисқс вақтда ўтказилиши талаб этилади. Шу сабабли тезкор назорат усулларидан фойдаланиш зарур. Тезкор усуллардан бири тест назоратидир.

Тестларни ишлаб чиқиш тамойиллари:

- самарадорлик
- вариативлик
- ишонччилик
- ҳар бир фан соҳасининг ўзига хос хусусиятлари
- фаннинг таълим мазмуни
- тестларнинг мантиқий тузилиши
- тест синовининг ўтказилиш мақсади
- касбий ва умумтаълим билимларни назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ва ўлчови эътиборга олинади.

Тест методининг кенг тарқалиши, ривожланиши ва такомиллашувига унинг қуйидаги афзалликлари асос бўлди:

---

5 Карпов В. В. Инвариантная модель интенсивной технологии обучения при многоступенчатой подготовке в вузе. — М.; СПб.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 1992. — 141 с.

- Тест топшириқлари тадқиқот мақсадига мувофиқ респондентларнинг билим, кўникма ва малакаларига аниқ баҳолаш имконини беради;
- Ижтимоий сўровларда иштирок этган кўпсонли респондентларнинг фикр ва мулоҳазаларини аниқлаш ва умумлаштириш имконияти мавжуд;
- Таҳсил олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш жараёни объектив амалга оширилади, баҳоловчи томонидан субъективизмга йўл қўйиш олдини олади.
- Турли гуруҳ респондентларидан олинган маълумотларни қиёсий-статистик таҳлилинини ўтказишга замин тайёрлаши кабилар замин яратади.

Инсонлар ўратасидаги психологик фарқларни аниқлаш 19 аср психологиясига оид бўлиб, уни биринчилар қаторида Ф.Гальтон ишлатишга ҳаракат қилган. У “квалиметрия», яъни ўлчаш деган тушунчани фанга киритди. Педагогикада тест асосида ўлчашни ўрганувчи фан тестология деб аталади. 1864 йили биринчи марта педагогик тест Д.Ж.Райс томонидан орфография учун ишлаб чиқилди. Т.Стоун томонидан арифметика фани учун тест ишлаб чиқилди. 1902 йили Э.Торондак педагогик тестларнинг назарий асосларини ишлаб чиқади.

1961 йили АҚШда 2000 дан ортиқ стандарт тестлар ишлаб чиқилди. Жаҳон тест компанияси ташкил топди (Educational Testing Service)

1925 йили Россияда “Мақтаб ишлари методикаси” институтида тест комиссияси ташкил этилди.

1926 йили биринчи стандар тестлар яратилди.

20 асрнинг бошида Америкалик олим В.А.Макколл психологик ва педагогик тестларни ажратади

1915-1930 йилларда Америкада тестология фани жуда тез тараққий этади ва мактабдаги барча фанлардан миллий тестлар ишлаб чиқилади.

**Педагогик тест бу** – талабанинг тайёргарлик даражасини сифатли ва самарали ўлчовчи, мураккаблашиб боровчи махсус топшириқлар тизимининг шаклидир.

Тест топшириқлари камида қуйидаги талабаларга жавоб берган ҳолда тузилиши лозим:

- ахборот материалининг мазмунига тўғри келиши;
- тест тузиш қоидаларига риоя қилган ҳолда тузилган бўлиши;
- амалиётда апробациядан ўтказилган бўлиши;
- талабалар учун тушунарли бўлиши лозим.

Тестларни апробациядан ўтказилаётганда учта **критерий** ҳисобга олиниши лозим:

- ишончлилик (бир хил шароитларда натижаларнинг қайтарилиши).
- валидлик (тестларнинг танлаб олинган маълум мақсадга қаратилганлиги).
- объективлиги (шароит ва талабларнинг бир хил қўйилиши).




Тест тузиш жараёнида қуйидаги қисмларига алоҳида аҳамият бериш керак:

1. Инструкция қисми (тест топширувчи қандай белгилар қўйиши тестни ишлаш тартиби аниқ кўрсатилади).
2. Тест топшириқлари (тест мазмуни ўқув ахаборотини мазмуни билан белгиланади).
3. Жавоблар қисми.

Бундан ташқари тест кимлар учун, қандай фан бўйича тузилганлиги, тестни ечиш учун қанча вақт ажаритилганлиги, тест тузувчини исми, шарифи кўрсатилшиши лозим.

Тестнинг шаклига кўра турлари мавжуд:



Тестнинг ёпиқ типига кирувчи тест шакллари керакли сўз, рақам, формула ёки иборани ёзиб қўйишни талаб этади.

Тестнинг очик типидида бир варинатли ёки бирнеча тўғри жавобли вариантларни аниқлаш, элементлар ўртасида мосликни ўрнатиш, тўғри ёки нотўғри элементларни ажаратиб олишни ҳамда тўғри кетма-кетликни ўзрнатиш талаб этилади.

Тест топшириқларига қўйиладиган асосий талаб, ҳар бир тест топшириғи:

- муайян мазмун;
- таркиб;
- яхлитлик ва структура;
- топшириқни бажариш тартиби, қондаси,
- топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали;

- тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлиши зарур.

Тест топшириқларининг яхлитлиги у бир мавзу, боб, бўлим ёки курс мазмунини қамраб, уларни назорат қилиш имкониятига эга эканлигида кўзга ташланади.

### **Тестларни тавсифи:**

Стандарт тестлар

Ностандари тестлар

Педагогик тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра: гомоген ва гетероген тестларга ажратилади.

Гомоген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган битта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

Гетероген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган бир нечта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими.

Тестлар характерига кўра:

1. Интегратив тестлар(Интегратив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, таълим муассасасининг битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади).

Адаптив тестлар(Адаптив тестлар автоматлаштирилган, таҳсил олувчиларга нисбатан индивидуал ёндошиш имконини берадиган, топшириқ мазмуни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади.) Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этиб, қўлланиш мақсадига кўра: ўртача оғирликдаги, таҳсил олувчининг танлашига кўра аралаш, топшириқлар банкидан фақат қийин даражали бўлиши мумкин.

Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модул-кредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражадаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим.

1. Мезонли-мўлжал олиш тестлари (мезонли-мўлжал олиш тестлари таҳсил олувчиларнинг умумий тайёргарлик даражаси, мазкур курснинг

ўқитилиш сифати, педагогнинг педагогик маҳорати, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади).

**Тест топшириқлари мазмунини танлаш тамойиллари:**

1. Тест топшириқлари мазмуни синов мақсадига мослиги тамойили.
2. Назорат ва баҳоланаётган билимларнинг муҳимлиги тамойили.
3. Мазмун ва шакл бирлиги тамойили.
4. Тест топшириқларининг мазмунан тўғрилиги тамойили.
5. Тест топшириқлари мазмунида ўқув курси мазмунининг қайта тақдим этилиши тамойили.
6. Тест топшириқлари мазмунининг фаннинг ҳозирги замон ҳолатига мослиги тамойили.
7. Тест топшириқлари мазмунининг мажмуали ва мувозанатлашган бўлиши тамойили.
8. Тест топшириқлари мазмунининг тизимлилиги тамойили.
9. Тест топшириғи мазмунининг вариативлиги тамойили.

**Тест топшириқларига қўйиладиган талаблар:**

- Тест топшириғи мазмунининг тўғрилиги;
- Саволнинг мантиқий жиҳатдан тўғри танланиши;
- Тест топшириғи шаклининг тўғрилиги;
- Тест топшириғининг савол ва жавобнинг қисқалиги;
- Тест топшириғи элементларининг тўғри жойлашганлиги;
- Тест топшириғининг тўғри жавоблари бир хил баҳоланиши;
- Таҳсил олувчиларга тест топшириғининг бажариш бўйича бир хил кўрсатма берилиши;

**Турли даражадаги ва шаклдаги тест топшириқларини ишлаб чиқиш йўллари.**

Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони.

Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони ўрганилаётган объектнинг хусусиятларини ўзида тўлиқ акс эттириб, у таҳсил олувчилар томонидан мазкур хусусиятларни аниқлаш учун бажарадиган ақлий операцияларига кўра:

- Оддий даража;
- Репродуктив даража;
- Продуктив даража;
- Ижодий (креатив) даражада бўлиши мумкин.

Оддий тест (эслаш, ёдда сақлаш, таниш каби психик жараёнларни боришини таъминловчи тест. билимларни мустаҳкамлайди.

Репродуктив даражадаги тест топшириқлари таҳсил олувчиларнинг хотирасида сақланган билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда ахборотларни қайта ишламасдан жавоб қайтаришни талаб этади.

Бу даражада тузилган тестлар таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни аниқ баҳолаш имконини бермайди.

Продуктив даражада тузилган тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш, умумий хулоса чиқариш орқали жавоб беришни талаб этади. Продуктив даражадаги тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ўрганилган объектларнинг хусусиятларини бошқа объектга кўчириш, мазкур объектларни таққослаб, кейинги объектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш, қисман изланиш олиб боришни талаб этади. Таҳсил олувчилар томонидан мазкур даражадаги тест топшириқларига жавоб беришда аввал ўзлаштирилган билимлар янги вазиятларга кўчирилади.

Ижодий (креатив) даражада тузилган тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ижодий фикр юритиш кўникмаларига эга бўлиш, мазкур тест топшириқларини бажариш жараёнида таҳсил олувчилар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллашни талаб этади.

Шаклига кўра:

- Очик тестлар
- Ёпиқ тестлар
- Мутаносибликни ўрнатишга қаратилган тест
- Изчилликни ўрнатишга қаратилган тест

**Мавзу юзасидан тингловчиларни ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар ва вазифалар:**

1. Кредит-модул тизимининг ўзига хос жиҳатларини қиёсий таҳлил қилинг?
2. Ўқув жараёнига аралаш таълим (blended education) имкониятларини татбиқ этишнинг самарадорлиги нимада?
3. Тест методининг афзалликлари нимада?

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. С.А. Мухина А.А.Соловьёва. Современные инновационные технологии обучения. М.:«ГЭОТАР-Медия» 2008, 43 с.
2. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.:ТДИУ.- 2012.- 50 бет.
3. Голиш Л.В."Замонавий педагогик технологиялар"., М. 1999.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

## 4-МАВЗУ: ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

| РЕЖА: |  |
|-------|--|
| 1.    | Гуруҳларда ишлашни ташкил этишнинг самарали методлари ва воситалари. |
| 2.    | Ўқув лойиҳалари, турлари ва таркибий қисмлари.                       |
| 3.    | Лойиҳа ишини тайёрлаш ва тақдимот қилиш босқичлари.                  |

**Таянч тушунчалар:** кичик гуруҳ, гуруҳда ўқитиш, лойиҳалаштириш, ўқув лойиҳаси, портфолио, тақдимот

Лойиҳавий таълим педагогика амалиётида 300 йилдан ортиқ қўлланилиб келмоқда.

Немис педагоги М. Кноллнинг тадқиқотига кўра, «лойиҳа» тушунчасининг пайдо бўлиши XVI асрга тааллуқли бўлиб, италиялик меъморларнинг меъморликни фан деб эълон қилиб, уни ўқув фанлари даражасига чиқарган ҳолда ўз фаолиятларини касбга айлантиришга уринишлари билан боғлиқ.

☀ XVIII аср охирида муҳандислик касблари пайдо бўлиши натижасида ўқув лойиҳаси дастлаб Франция, сўнгра Германия, Австрия, Швейцариядаги, XIX аср ўрталарида эса АҚШдаги техника ва саноат олий мактабларида тарқалди.

☀ *Лойиҳалар усули* «ўқитиш усули» дидактик тоифа сифатида XIX аср бошларида шаклланди. Бу даврда прагматик педагогика доирасида «эркин тарбия» ғоялари юзага келди.

☀ Америкалик педагоглар В. Килпатрик, Е. Коллингс ва Е. Пархерстнинг ишларида ривожлантирилди, улар таҳсил олувчиларнинг нафақат фаол ўрганиш фаолияти, балки биргаликдаги меҳнат, ҳамкорлик асосидаги фаолиятини ташкил эта бошладилар.

☀ 1911 йилда АҚШ Тарбия бюроси «лойиҳа» атамасини қонунлаштирди ва у америка педагогикасида янада мустаҳкамлана бошлади.

Лойиҳа» атамаси ижтимоий фанлар соҳасига техника соҳасидан ўтган бўлиб, «**Лойиҳа** (лотинча-projectus) – аниқ қоидаларга мувофиқ у ёки бу соҳа ҳолатини қайта қуришнинг асосий ғоясини англатади.

**Лойиҳалаштириш** – реал натижага олиб келувчи, қатъий тартибга солинган ҳаракатлар изчиллигини ўз ичига олувчи муаммони ҳал этувчи фаолиятни англатади.

**Ўқув лойиҳалари** (лойиҳа методи)-ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишдан то уни ҳал этиш йўлини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

**Лойиҳа методи** бу - таълим олувчиларнинг мустақил таълимини самарали ташкил этиш усулидир.

**Лойиҳа методи** - қандайдир муаммони ҳал этиш йўллари ишлаб чиқишга йўналтирилади.

**Лойиҳа методи** - педагогик технология сифатида ўз ичига тадқиқотчилик, муаммоли-изланиш, ижодий иш методларини қамраб олади.

**Лойиҳа методи** - таълим методлари мажмуи бўлиб, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, таълим олувчиларга ўз имкониятларини эркин намоён этишлари учун шарт-шароит яратиш ҳамда ўз фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш имконини беради.

Лойиҳавий таълимнинг муҳим белгилари:

- Муаммога йўналтирилган ўқув изланишини тизимли ташкиллаштириш ўқув муҳитини яратади;
- Талабаларга уларни қизиқтирган муаммони тадқиқ қилиш ва уни ҳал этишда йўналтириш ва ёрдам беришда ўқитувчи ўрнини белгиловчи ўқув муҳитини яратади;
- Фан билимларини мустаҳкамлашга ва уларни ривожлантиришга ёрдам берувчи ўқув муҳитини яратади;
- Талабаларга мустақил ҳаракат қилиш, (амалиётга йўналтирилган) аниқ якуний натижа олишни таъминловчи ўқув муҳитини яратади;
- Ҳақиқий ҳаёт билан таълимнинг мустаҳкам алоқасини ўрнатади.

**Лойиҳа турлари:**

Изланувчилик фаолияти хусусиятидаги ўқув лойиҳаларнинг турлари

**Тадқиқотчилик лойиҳалари** – бу илмий изланиш хусусиятига эга бўлиб, қуйидаги ишларни бажариш ва аниқлаш назарда тутилади:

- муаммони долзарблигива ишлаб чиқилганлигини;
- Тадқиқот мақсади;
- Фараз, вазифалар;
- Муаммони ўрганиш усуллари;
- Ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш;
- Тажриба ўтказиш;
- Амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Ижодий лойиҳалар** - ҳамкорий фаолиятда ишлаб чиқилган янги маҳсулотни ижодий шаклдаги (ижодий ҳисобот, кўргазма, ишлаб чиқариш хоналарини дизайни, видеофильм, нашрий маҳсулотлар – китоблар, альманах, компьютер саҳифаларидаги журнал, компьютер дастурлари ва б.)тақдимоти.



*Ижодий иш гуруҳи - бу (лабораториялар, устахоналар, конструкторлик бирлашмалари, редакциялар ва бошқалар)*

**Ахборотли лойиҳалар** – ўқув жараёни ёки бошқа буюртмачилар учун муҳим бўлган ахборотларни йиғишга йўналтирилган.

Лойиҳани ишлаб чиқиш турли манбалардан: монография, журнал мақолалари, газета нашрлари, социологик сўровномалар, электрон маълумотларни излаш билан боғлиқ.

Лойиҳанинг асосий компонентлари:

- Муаммо
- Лойиҳалаштириш (режалаштириш)
- Маълумотлар тўплаш
- Якуний натижа (маҳсулот, инновацион ишланма ва бошқ.)
- Такдимот
- Портфолио

**Лойиҳа натижаси** – буклет, нашр, Интернет саҳифаси шаклидаги такдим этилган, танлаб олинган, таҳлил қилинган, умумлаштирилган, тизимлаштирилган ахоротдир.

**Қўллаш соҳасига боғлиқ равишда ўқув лойиҳаларни турлари**

➤ **Ишлаб чиқаришга оид (техникавий)** ва ижтимоий лойиҳалар. Бунда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий томонларини (бошқарув, уй-жой шароитини яхшилаш ва бошқа муаммоларни) такомиллаштириш учун муҳим бўлган муаммоларни ҳал этиш назарда тутилади.

**Муаммони ишлаб чиқиш хусусияти билан мувофиқликдаги лойиҳалар**

➤ Назарий ва амалий йўналтирилган лойиҳалар. Бунда касб таълими йўналишидаги талабалар педагогика тарихи фанида тарбияга бўлган ёндашувларни ўрганиш асосида ижодий гуруҳларда ўзларининг шахсий тарбиянинг концепцияларини ишлаб чиқадилар.

➤ **Амалий хусусиятдаги лойиҳада аниқ амалий**, яъни мактаб ёки аниқ ўқитувчининг буюртмаси бўйича муаммони ҳал этишга йўналтирилади (услугабий лойиҳа). Бу лойиҳалар битта лойиҳада ўз аксини топиши ҳам мумкин.

**Лойиҳа ишини расмийлаштириш тартиби**

**Лойиҳа номи**

**Лойиҳи иш бўйича гуруҳ аъзолари (Ф.И.Ш., ташкилот, лавозими, электрон манзили)**

**Лойиҳа асосномаси** – нима учун бу мавзуни танладингиз? Мавзунинг сифатни таъминлаш ва ошириш борасидаги миллий ва ташкилий устувор вазифалар билан боғлиқлиги? Сизнинг лойиҳангизни янгилиги нимада?

**Лойиҳага нисбатан ёндашувлар** – лойиҳада қандай концепция, тамойиллар ва моделлар асосида сифатни таъминлаш асосланган?

**Лойиҳанинг мақсади** – Лойиҳа якунида қандай мақсадга эришмоқчисиз? Қандай натижа ва хулосаларга келдингиз?

**Лойиҳа ишининг ҳаракат режаси** – Лойиҳа мавзуси (муаммоси) юзасидан тадқиқот олиб бориш, амалий ишланмалар, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ҳатти-ҳаракатлар? Қандай манбалар, ишланмалардан фойдаланмоқчисиз? Ҳар бир ҳатти-ҳаракат учун белгиланган муддат? Топириқлар гуруҳ аъзоларига қандай тақсимланади?

| Ҳаракатлар режаси                                  | Маъсул шахс          | Метод   | Муддат | Натижа            |
|--|----------------------|---|--------|-------------------|
| 1. Манабалар билан ишлаш, амалдаги ҳолатни ўрганиш | Фармонов.И.А,<br>... | Тизимли таҳлил, фаолият маҳсулини ўрганиш, ҳужжатлар билан ишлаш, анализ-синтез, моделлаштириш... | 5 кун  | Лойиҳа асосномаси |
| ...  |                      |   |        |                   |

\*Топириқларининг бажарилиш муддати лойиҳа муддатлари доирасида белгиланиши керак.

### Мавзу юзасидан тингловчиларни ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Лойиҳалаштириш нима, бошқарув фаолиятини лойиҳалаштириш ва педагогик жараёни лойиҳалаштиришнинг умумий ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг?
2. Лойиҳа методи қандай таълимий мақсадларга йўналтирилади?
3. Қандай лойиҳа турларини биласиз?
4. Лойиҳанинг ҳаракат режаси ўз ичига нималарни камраб олади?

### АДАБИЁТЛАР:

1. Олешков М.Ю. Современные образовательные технологии: учебное пособие. – Нижний Тагил: НТГСПА, 2011. – 144 с.
2. Энциклопедия педагогических технологий. – М.: Владос, 2005. – 463 с.
3. Слостенин В.А, Чижакова Г.И В ведение в педагогическую аксиологию. – М.: Владос, 2005. – 282 с.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б

### III. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-МАШҒУЛОТ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

*1-топшириқ. Тушунчалар таҳлили:*

| Тушунчалар     | Тушунчалар мазмунини қандай изоҳлайсиз... | Қўшимча маълумот |
|----------------|---|------------------|
| Таълим мазмуни |   |                  |
| Компетентлик   |   |                  |
| Менежмент      |   |                  |
| Модератор      |   |                  |
| Андрагогика    |   |                  |
| Креативлик     |   |                  |
| Деонтология    |   |                  |
| Квалиметрия    |   |                  |

**2 – топшириқ: Кейс таҳлили.**

Корхона директори хонасидан у ёқ-бу ёққа тинимсиз юрар, ўзига-ўзи нималарнидир гапирар эди: “... Яна маркетинг бўлимида муаммо. Маркетинг бўлимини бошлиғи эски тафаккурдаги одам. Ўтган йилдан бозорда маҳсулотларнинг турлари кўпайиб, нархлар тушиб кетди. Янги стратегия ишлаб чиқиш керак. Бунинг учун эса янгича фикрлайдиган, ташаббускор, ижодкор мутахассис лозим. Корхонада эса бундай мутахассисларнинг захираси йўқ. Бори ҳам ўз иши билан банд. Университет ректорига телефон қилмайманку, битирувчингдан юбор деб. **Хўш ўтган йили битирган талабани ишга ҳам олдик дейлик, уни то ишга ўргатиб, малакасини оширгунча анча тарбиялаш керак бўлади...**”

**Кейс юзасидан топшириқлар:**

**1. Сизнингча бу хулоса ўринлими. Нима учун. ФСМУ асосида муносабатингизни баён этинг.**

Ф(фикр) \_\_\_\_\_

С(сабаб) \_\_\_\_\_

М(мисол) \_\_\_\_\_

У(умумлаштириш) \_\_\_\_\_

**2. “Таълимга компетентли ёндашув” нинг моҳиятини қандай изоҳлайсиз...**

**2- МАШҒУЛОТ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
 ФАОЛИЯТИГА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
 ЖОРИЙ ЭТИШ**

**1-топшириқ. Ассемент:**

|  |   |
|--|---|
| <p><b>Тест:</b></p> <p><b>1. Модернизация бу...</b></p> <p>А. Такомиллаштириш, янгилаш</p> <p>Б. Янгилик киритиш</p> <p>С. Моделлаштириш</p> <p><b>2. Таълим мазмуни...</b></p> <p>А. Таълим мақсади ва унинг натижаларини белгиловчи мезон</p> <p>Б. Билим, кўникма, малакалар ва ахлоқий-эстетик ғоялар тизими.</p> <p>С. Шахснинг меҳнат-касбий кўникмалар тизими</p> | <p><b>Блиц топшириқ:</b></p> <p><b>Инновацион жараён босқичларини тўғри кетма-кетликда жойлаштиринг:</b></p> <p>1. Янги ғоянинг пайдо бўлиши.</p> <p>2. Муайян соҳада ҳукмронлик қилиши.</p> <p>3. Янгиликни амалиётга татбиқ этилиши.</p> <p>4. Янги муқобилнинг пайдо бўлиши.</p> <p>5. Ихтиро қилиш, янгилик яратиш.</p> |
| <p><b>Тушунча таҳлили:</b></p> <p>Таълим сифати бу..</p>   | <p><b>Амалий кўникма:</b></p> <p>Инновацион таълим шаклларига 5 та мисол келтиринг:</p>   |

**2 – топшириқ:** Ривожланган давлатлардан бирининг ўқитишдаги илғор тажрибалари асосида “Идрок харитаси”ни тузиш.

### 3- МАШҒУЛОТ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ФАОЛИЯТИГА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

#### *1-топшириқ: Кейс таҳлили*

#### **Кейс.**

Касб-ҳунар коллежининг директори бошқа ишга ўтганлиги туфайли жамоага ёш аммо қайсидир коллежда ўқув бўлимининг мудирини бўлиб ишлаган инсонни тайинлашди. Жамоа янги раҳбарни илиқ кутиб олди, айниқса унинг ёшлиги ва “мен бу ерда тартиб ўрнатишга келдим, ўзим ҳам кучимни аямайман ва Сизлардан ҳам шуни талаб қиламан”, деб ишонтириши кўпчиликка ёқиб қолди.

Ростдан ҳам коллежда тартиб интизом анча яхшиланиб қолди. Олдинги директорнинг “эркатой” ларини янги директор “жойига ўтказиб қўйди”. Коллежнинг ўқув жараёнида, ташқи ва ички кўринишида сезиларли ўзгариш юз берди. Лекин, янги директор ёшлиги учунми ёки ўзининг қаттиққўлллигини кўрсатиш учунми, ўқитувчилар билан гаплашганда, йиғилишларда кўпол, ортиқча гапирганидан айримлар қаттиқ ранжий бошлашди. Шундайлар орасида коллежнинг ўқув бўлими мудирини ҳам бўлиб, у анча тажрибали, жамоада ўрни ва обрўсига эга эди. Янги директорнинг ўзидан анча ёш бўлишига қарамасдан айрим вақтда кўпол муносабатда бўлиши мудирнинг нафсониятига тегди. У бир-икки маротаба раҳбарга одамларга нисбатан муносабатини ўзгартиришини маслаҳат берди.

Аста-секинлик билан коллеж жамоаси иккига бўлиниб, бир қисми раҳбар атрофида, иккинчи қисми мудир атрофида кичик гуруҳчани ташкил этдилар. Ташқаридан қараганда бу ҳол сезилмас, одамлар бир-бири билан олдингидай саломлашар, биргаликда тадбирларни ўтказишар аммо, ўртада ишонч йўқолиб, “ўзимизники” ва “душман томон” га жадал бўлинишган эди.

Ўзаро тортишувлар, бир-бирини устидан шикоят ёзишлар, йиғилишлардаги жанглар кўпчиликни асабини буза бошлади. Баъзилар бунга дош беролмай ишдан бўшашга ариза ҳам ёзишди.

#### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

I. Матни ўқинг ва муаммони келтириб чиқарган асосий омилларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

II. Мазкур вазиятда директор бошқарувининг ўзига хос жиҳатларини SWOT таҳлил қилинг (кичик гуруҳда).

|   |  |
|---|--|
|  Бошқарувнинг кучли томони |  Бошқарувнинг кучсиз томони |
|  Раҳбар имкониятлари       |  Тўсиқлар                   |

III. Тасаввур қилинг Сиз мазкур вазиятдаги раҳбарнинг ўрнидасиз. Вазиятни тартибга келтириш учун Сизнинг ҳатти-ҳаракатларингиз(якка тартибда):

- 1.
- 2.
- 3.

IV. “Самарали бошқарув формуласи”ни шакллантиринг ва тақдимот қилинг(кичик гуруҳда, фасилитатор ёрдамида).

#### **4- МАШҒУЛОТ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД ИННОВАЦИЯЛАР**

*1-топшириқ. Тестни ечиш:*

**1. Таълим жараёнини “Технологиялаш” қандай маънони билдиради?**

А) Ўқитишнинг техник воситалари ёрдамида ташкил этишни билдиради;

Б) Таълим мақсадларига эришишда таълим жараёнини ўқитувчининг шахсий маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда универсал тарзда лойиҳаланганини билдиради;

В) Ўқув ишлаб чиқариш таълими тушунилади;

Г) Ўқитувчи ўқувчи билиш фаолиятининг ташкилий шакллари таълим мазмунига мос ҳолда танлашини билдиради.

**2. Педагогик технологиянинг аспекти акс эттирилган қаторни кўрсатинг.**

А) Умумпедагогик, хусусий, методик, локал

Б) Тизимлилик, самаралик, бошқарувчанлик

В) инсонпарварлик, диалектик, методик

Г) илмий, тавсифий, амалий

**3. Педагогик технологиялар даражаларини кўрсатинг.**

А) Локал, хусусий методик, модулли

Б) Хусусий методик, локал, фан

В) Умумпедагогик, хусусий методик, локал

Г) Умумпедагогик, модулли, умумдидактик

**4. Анъанавий таълимда ўқувчининг бош вазифаси нималардан иборат?**

А) Ахборотни қабул қилиш, ёрдам, ахборотни қайта ишламаган ҳолда жавоб бериш

Б) Ўқув топшириқларини ва муаммоли ҳал этишда иштирок этиш, доимо ўз билимини бойитиш, керакли баҳони кўтиш

В) Ўз билимини мустақамлаш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилиш, ўз иқтидорини намоён этиш, ижодий изланиш



Г) Ўзини ва бошқаларини ҳурмат қилиш, ҳамкорликда ишлаш, китобхонлик билан шуғулланиш.

**5. Дидактик ўйинли дарсларни ўтказишда қандай талабларга амал қилинади?**

А) Дидактик ўйинли дарслар дастурда қайд этилган таълимий.тарбиявий.ривожлантирувчи мақсад ва вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши

Б) Муҳим муаммоларга бағишланиши ва улар ўйин давомида ҳал қилиниши

В) Мазкур дарсларда дидактик принципларга амал қилиниши ва улкан самарага эришиш

Г) Жавобларнинг барчаси тўғри.

**2-топширик: “Кредит-модул тизими”, Аралаш таълим (blended education) ва тестнинг ўзига хосликларини Т-чизма методи асосида таҳлил этиш:**



## 5- МАНҒУЛОТ: ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

1-топшириқ. “Мен мустақил тадқиқотчи” мавзусидаги Блиц-ўйин:

| Ҳаракатлар   | Гуруҳ баҳоси | Гуруҳ хатоси | Тўғри жавоб |
|--|--------------|--------------|-------------|
| Тадқиқот мавзусини шакллантириш                                |              |              |             |
| Тадқиқот муаммоси билан танишиш                                |              |              |             |
| Илмий тажриба ташкил этиш ва ўтказиш                           |              |              |             |
| Тадқиқот мақсадини белгилаш                                    |              |              |             |
| Тажрибани режалаштириш   |              |              |             |
| Эксперимент маълумотларини жамлаш ва умумлаштириш              |              |              |             |
| Фаразларни шакллантириш  |              |              |             |
| Қайд қилувчи эксперимент ёки тадқиқот вазифаларини ишлаб чиқиш |              |              |             |

**2-топшириқ: Танланган мавзу доирасида лойиҳа ишининг мақсади, кутаётган натижани белгилаш ва ҳаракат режасини тузиш.**

|      | Ҳаракатлар режаси                               | Маъсул шахс | Метод   | Муддат | Натижа            |
|------|---|-------------|---|--------|-------------------|
| 1.   | Манабалар билан ишлаш, амалдаги ҳолатни ўрганиш | Атаев К     | Тизимли таҳлил, фаолият маҳсулини ўрганиш, ҳужжатлар билан ишлаш, анализ-синтез, моделлаштириш... | 5 кун  | Лойиҳа асосномаси |
| 2... |   |             |   |        |                   |

#### IV. ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. Андрагогика сўзининг луғавий маъноси тўғри келтирилган қаторни топинг.**
  - А. Катталар таълими
  - В. Ўқитиш методикаси
  - С. Катталар билан ишлаш
  - Д. Педагогик технология йўналиши
- 2. Технология сўзининг луғавий маъноси...**
  - А. Санъат, маҳорат
  - В. Ўқитиш йўллари
  - С. Янгилик
  - Д. Санъат, маҳорат ҳақидаги таълимот
- 3. Тренинг тушунчаси қандай маънони билдиради.**
  - А. Машқ қилмоқ
  - В. Усуллар йиғиндиси.
  - С. Ўқитиш шакли
  - Д. Ўқитувчининг маҳорати
- 4. Андроогиканинг асосий вазифаси келтирилган қаторни топинг.**
  - А. Адаптация, компенсация, ривожлантириш
  - В. Адаптация, компетентлик, ривожлантириш
  - С. Ривожлантириш, тўлдириш, бойитиш
  - Д. Шахсга йўналтирилган таълим
- 5. Ижтимоийлашув бу...**
  - А. Ривожланиш.
  - В. Мослашиш
  - С. Шахснинг муҳит ва жамият талабларига мослашиши
  - Д. Шахснинг индивидуаллашуви
- 6. Компетенция бу...**
  - А. Фаолият талабларига мослик, лаёқатлилиқ
  - В. Билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси.
  - С. Маҳорат
  - Д. Ўқитувчининг касбий тайёргарлиги
- 7. Интерфаол таълимнинг асосий белгиси нималардан иборат.**
  - А. Ўқитишдаги ўзаро фаоллик
  - В. Таълим бериш усуллариининг хилма-хиллиги
  - С. Ўзаро ҳамокрлик ва ўзаро мулоқот
  - Д. Шахсга йўналганлик
- 8. Интерфаол сўзининг луғавий маъноси нима.**
  - А. Ўзаро ҳаракат қилмоқ
  - В. Ўзаро мулоқот

- С. Тенглик  
Д. Ҳамкорлик
- 9. Ақлий ҳужум методининг асосий мақсади нима.**  
А. Ғояларни йиғиш ва генерациялаш  
В. Муаммони ҳал этиш  
С. Фикрлар ҳужуми  
Д. Эркинлик
- 10. Кейс-стади бу...**  
А. Муаммоли вазиятларни ҳал этишга йўналтирилган ўқитиш усули  
В. Муаммоли таълим технологияси  
С. Таълим шакли  
Д. Интерфаол метод.
- 11. Инновация сўзининг луғавий маъноси нима.**  
А. Янгилик киритиш  
В. Янги ғоя  
С. Такмиллаштириш  
Д. Маданият
- 12. Тренер маҳоратини белгиловчи мезонлар нималардан иборат.**  
А. Касбий билим, педагогик қобилият, педагогик техника, инсонпарварлик  
В. Касбий билим, кўникма ва малакалар  
С. Касбий компетентлик  
Д. Педагогик маҳорат ва маданият
- 13. Бошқарув усуллари тўғри келтирилган қаторни топинг.**  
А. Демократик, автократик, либерализация  
В. Авторитар, демократик, либерал  
С. Демократик, авторитар, инсонпарварлик  
Д. Авторитар, шахсга йўналган, либерал
- 14. Педагогик технология мезонлари келтирилган қаторни топинг.**  
А. Бошқарувга асосланганлик, шахсга йўналганлик, самарадорлик  
В. Бошқарувчилик, тизимлилик, самарадорлик, қайта алоқа  
С. Концептуаллик, тизимлилик, бошқарувчилик, самарадорлик, қайта алоқа  
Д. Самарадорлик, қайта алоқа, натижавийлик
- 15. Анъанавий таълимда талабанинг асосий вазифаси...**  
А. Тинглаш, хотирада сақлаш  
Б. Ахборотларни қайта ишланмаган ҳолда қабул қилиш ва жавоб бериш  
С. Ахборотларни қабул қилиш ва таҳлил қилиш  
Д. Фаол иштирокчига айланиш
- 16. Инновацион таълим технологиялари тўғри келтирилган қаторни топинг.**

А. Муаммоли ўқитиш, ўйинли технологиялар, интерфаол ўқитиш методлари

В. Муаммоли ўқитиш, интерфаол ва анъанавий ўқитиш методлари

С. Ахборот технологиялари, педагогик технологиялар

Д. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, масофали таълим

**17. Анъанавий ўқитиш методлари тўғри келтирилган қаторни топинг.**

А. Оғзаки, кўргазмали, амалий, китоб билан ишлаш, видео методлари

В. Кўргазмали, тушунтириш, суҳбат, амалий

С. Оғзаки, кўргазмали, ёзма, амалий

Д. Тушунтириш, суҳбат, ҳикоя, кўргазмали

**18. Олий таълим муассасаларида таълимни ташкил этишнинг асосий шакллари бу...**

А. Маъруза, семинар, амалий, лаборатория, мустақил таълим

В. Маъруза, семинар, суҳбат, кўргазмали

С. Семинар, назарий, амалий

Д. Маъруза, семинар, амалий, лаборатория

**19. Квалиметрия нима.**

А. Таълим сифатини баҳолаш.

В. Назорат сифати

С. Педагогик жараён сифатини баҳолаш

Д. Сифат ўлчови

**20. Тренер бу...**

А. Машғулотларни ташкил этувчи шахс

В. Таълим оловчиларни фаолиятга йўналтирувчи, бошқарувчи, машқ қилдирувчи шахс

С. Бошқарувчи

Д. Ўқитувчи

## V. ГЛОССАРИЙ

- 1. АКМЕОЛОГИЯ** - (akme – гуллаган давр, олий нуқта, юқори чўққи) – ўқитувчи фаолиятида юксак профессионалликка яъни касбий етукликка эришиш билан изоҳланади.
- 2. АКСИОЛОГИЯ** - ижтимоий субъектлар яратган педагогик кадриятлар йиғиндисини ифодалаб, инсонни энг олий кадрият деб билади ва жамият ривожланишининг мақсади деб ҳисоблайди.
- 3. ДАРС** – таълимни ташкил этиш шакли бўлиб, белгиланган вақт (45 дақиқа) давомида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсад асосида, ҳамкорликдаги фаолияти кўриниши.
- 4. ДАРС ТИПЛАРИ** – аралаш ёки комбинацион дарс; янги билимларни баён қилиш дарси; билим, кўникма, малакаларни такрорлаш ва умумлаштириш дарси; ўтилганларни мустаҳкамлаш дарси; текшириш ва баҳолаш дарси.
- 5. ИННОВАЦИЯ** – янгилик, янги ғоя киритиш.
- 6. ИНТЕРФАОЛ МЕТОД** – («inter» - ўзаро ва «act» - ҳаракат қилмоқ) ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини, ўқув ахборотларини ўзлаштириш жараёнидаги фаолликни, ижодкорлик, мустақилликни шакллантиришга, шунингдек, ўқитиш мақсадларининг тўлақонли амалга оширишга ёрдам берувчи чора-тадбирлар мажмуаси.
- 7. ИСТИҚБОЛЛИ ЎҚИТИШ** – таълим мазмунидаги ўзлаштирилиши қийин бўлган ахборотлар тизимини кичик ҳажмларда олдиндан ўзлаштириб бориш.
- 8. КАСБИЙ БИЛИМ** - аниқ меҳнат фаолияти доирасида бажариладиган ишлар учун зарур бўлган назорат, билим, амалий малака ва кўникмалар бирлашмасидир.
- 9. КАСБИЙ БИЛИМДОНЛИК** - педагогик жараён мантиғининг яхлитлигича ва бутун тузилмаси билан биргаликда кўра олиш, педагогик тизимнинг ривожланиш қонуниятлари ва йўналишларини тушуниш, англаш.
- 10. КОММУНИКАТИВЛИК** – бу ўқитувчининг алоҳида хусусияти бўлиб, унда ўқувчилар ва ҳамкасблари билан ўзаро ҳамкорлик мулоқоти назарда тутилади. Бунда педагогик фаолиятнинг самарадорлиги унинг мулоқотчанлигига боғлиқ бўлади.

- 11. КОМПИТЕНТЛИК** - шахснинг ўзлаштирган муайян билим, кўникма ва тажрибасини ижтимоий-касбий соҳадаги аниқ вазиятлардаги муаммо ва вазифаларни ечишга қодирлик даражаси, яроқлийлиги.
- 12. КОНСТРУКТИВЛИК** - (лойиҳалай олиш қобилиятига эгаллик) – бу педагогнинг шахсий фаолияти ва тарбия мақсадларини ҳисобга олган ҳолдаги фаолликларини алоҳида лойиҳалаштиришни кўзда тутди.
- 13. МАҲОРАТ** – касбий индивидуалликнинг ёрқин кўриниши.
- 14. МЕТОД** – 1) табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш усули, ҳаракат қилиш тарзи; 2) мақсадга элтувчи йўл, яъни, мақсадга эришиш йўлидаги хатти-ҳаракатларнинг ўзига хослигидир.
- 15. МОДЕЛ** - (французча “modele” – “намуна”, лотин тилида “modulus” – “меъёр”) – қандайдир объектнинг шартли қиёфаси, объект ва объект ҳақидаги инсон билимлари ўртасидаги муносабатни акс эттириш учун хизмат қилади.
- 16. МОТИВ** – маълум эҳтиёжларни қонилдириш учун асос бўладиган кишининг ички ҳаракатлари мазмуни.
- 17. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН** – таълим масалалари, унинг тараққиётини кашф қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабатлари.
- 18. ПЕДАГОГИК КВАЛИМЕТРИЯ** – педагогик жараён сифат даражасининг ўлчовчи.
- 19. ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ** - юксак даражадаги педагогик фаолиятнинг тараққий этиши, педагогик техникани мукамал эгаллаш, шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси ва касбий фаолиятдаги индивидуалликнинг ёрқин кўриниши.
- 20. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ** - таълим олувчининг ички имкониятлари ва ўқитувчининг инновацион тайёргарлигига таянган ҳолда ишлаб чиқилган ва таълимий мақсадга эришишни кафолатловчи ўқув-тарбия жараёнининг лойиҳаси.



- 21. ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛГАНЛИК** - 1) шахснинг “педагогик касбга қизиқиши ва фаолиятнинг ушбу тури билан шуғулланишга бўлган иштиёқи” (Н.В. Кузьмина); 2) болаларга бўлган муносабат, педагогик меҳнатга иштиёқ, педагогик кузатувчанлик қобилияти (В.А. Слостенин). Демак, шахснинг педагогик фаолиятга йўналганлиги унинг дунёқараши, педагогик касбга қизиқиши, у билан шуғулланишга бўлган лаёқати билан белгиланади.
- 22. ПРОФЕССИОГРАММА** – маълум тизимга келтирилган меҳнатни психологик томондан ўрганишга ва ундан келгуси амалий фаолиятда фойдаланишга қаратилган қисқа ва ҳар томонлама батафсил кўрсатиб берилган ҳужжатдир.
- 23. РЕФЛЕКСИЯ** - латинча “*refleksio*” – “орқага қайтиш”, субъектнинг ички психик ҳолатларини ўзида англаш жараёни.
- 24. РИВОЖЛАНИШ** - миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиши, ўсиш.
- 25. ТАРБИЯ** - шахснинг маънавий ва жисмоний ҳолатига мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир ўтказиш таъсирида шаклланувчи узликсиз жараён.
- 26. ТАРБИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ** - тарбиявий жараёнга комплекс ёндашувни англатиб, бу тарбиявий таъсир ва ўзаро ҳамкорлик мақсадлари, вазифалари, мазмуни, методи ва шакллари билан бирлигидан иборатдир.
- 27. ТАЪЛИМ** - махсус тайёргаликдан ўтган кишилар раҳбарликда ўтказиладиган, таълим оловчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, қобилиятларни ўстириб, дунёқарашларни таркиб топтирувчи жараён.
- 28. ТАЪЛИМ МАЗМУНИ** - таълим оловчиларнинг ўқиш жараёнида, эгаллаб олиши лозим булган ҳамда тизимга солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси.
- 29. ТЕХНОЛОГИК КАРТА** – технологик жараённинг ҳар бир босқичи мазмуни тўлиқ ёритилган ҳужжат.

- 30.ТЕХНОЛОГИЯ** – 1) Ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ашёнинг ҳолати хусусияти, шаклини ўзгартириш методлари тўплами. 2) technos- санъат, маҳорат, logos- таълимот.
- 31.ТРЕНИНГ** - таҳсил олувчи фаолиятига мўлжалланган таълим шакли бўлиб, назарий маълумотларни амалий машқлар орқали ўзлаштирилишини таъминлайди. У таълим берувчи томонидан ўқитишни эмас, балки таҳсил олувчи томонидан мустақил ва фаол ўрганишни кўзда тутди.
- 32.ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ** – инсоннинг ўзи ҳақидаги тасаввурлар - ҳуққатвори, фаолияти ва эҳтиёжларини англашида намоён бўлади.
- 33.ЎҚИТИШНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ** – таълим мазмунини ўқувчи шахси, унинг индивидуал хусусиятларига мослаш.
- 34.ЎҚУВ ДАСТУРИ** - аниқ фаннинг мақсадидан, ўқув режаси бўйича ажратилган соат ва билим ҳажмидан келиб чиқиб тузилган ва мавжуд жамиятнинг ғоявий-сиёсий йўналишини ўзида акс эттирган давлат ҳужжати.
- 35.ЎҚУВ РЕЖА** - мутахассис шахси билиши ва ўзлаштириши зарур деб белгиланган ўқув фанлари, уларни ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжати.
- 36.ФАОЛИЯТ** – онгли руҳий фаолият билан бошқариладиган кишининг ички, ташқи фаоллиги.
- 37.ШАХС** – муайян жамиятнинг аъзоси бўлган, руҳий, жисмоний, маънавий-ахлоқий баркамол бўлган, ўз ҳатти-ҳаракатларини онгла баҳолаб, унга жавоб бера оладиган, жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўша оладиган инсон.
- 38.ИНТУИЦИЯ** – (олдидан сезиш) бу илгаридан эгаллаган билим ва маълумотларга асосланган билиш жараёнидир.
- 39.ИНФОРМАТИКА** – математик методлар ва ҳисоблаш техникаси воситалари ёрдамида маълумотларни йиғиш, ўлчаш (баҳолаш), санлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг метод ва қонунлари ҳақидаги фан.
- 40.ИСТЕЪДОД** – ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилиятдир. Алоҳида инсонларга хос табиий сифат бўлиб,

унинг фаолияти ижтимоий ҳаётда намоён бўлади. Истеъдод табиат маҳсули, инъомидир.

41. **ИХТИСОСЛИК** – бирорта касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари билан эришилган зарурий билимлар, куникма ва малакалар мажмуаси.
42. **ИҚТИДОР** – деб инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларига нисбатан субъектив муносабатига айтилади. У шахснинг ўз хулқи эканлигига комил ишончи қатъийлиги натижасида намоён бўлади.
43. **КАСБ** – кишининг меҳнат фаолияти, доимий машғулот тури; иш турини малакали бажаришга имкон берадиган билим.
44. **КАТАЛОГ** — Излаб топиш қулайлигини ҳисобга олиб, тартибга солинган объектлар рўйхати.
45. **КАФЕДРА** – бир ёки ўзаро боғлиқ бўлган бир неча фанлардан педагогик, услубий ва илмий ишлар олиб борувчи профессор-ўқитувчилар жамоаси.
46. **КЕРЕАТИВ** – бу тадқиқотчилик характериға эға. ўқувчиларда ижодий тафаккурни жадал (мақсадға йўналтирилган) равишда ривожлантириш таълими.
47. **КОГНИТИВ** – У атроф олам ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш, дифференциалловчи тафаккурни шакллантириш, билиш эҳтиёжларни ривожлантириш таълими.
48. **КОМПЛЕКС** – муайян мақсад сари тўпланган ҳодисалар ёки предметлар мажмуаси. У бир бутунликни ташкил этувчи ҳодиса ва предметлар мажмуасидан иборат.
49. **МАВЗУ** – араб тилида жойлаштирилган, қўйилган деган маънони англатади.
50. **МАЛАКА** – муайян меҳнат фаолиятини бажариш учун лозим бўлган назарий ва амалий умумтаълим ва касбий билим, малака ва кўникмалар мажмуасининг мавжудлиги.
51. **МАЛАКА ОШИРИШ** – мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштириш, уларни замон талабларига жавоб бера оладиган қилиб қайта тайёрлаш.

- 52.МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ** – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз «масофадан ўқитиш» имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга асосланган ўқитиш жараёнини амалга оширишнинг янги услуги.
- 53.МЕТОДИКА** – методикага тегишли, қатъий кетма-кетликка (алгоритмик характерга), тизимга, илгаридан ўрнатилган режа (қоида), тизимга аниқ риоя қилиш.
- 54.НАМУНАВИЙ ЎҚУВ ДАСТУРИ** – муайян предметлар бўйича таълим мазмунининг зарурий минимумини ва ўқув материални ўзлаштириш даражаларини батафсил очиб берувчи ҳужжат.
- 55.НАМУНАВИЙ ЎҚУВ РЕЖАСИ** – ўқитиш муддатини ҳисобга олиб, касбга (мутахассисликка) мувофиқ равишда цикллар, фанлар рўйхати ва ҳажмининг давлат миқёсини белгиловчи ҳужжат.
- 56.СИЛЛАБУС** - лат. Syllabus Errorum — рўйхат, каталог деган маънони англатади.

## VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Асосий вазиғамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришди. - Т.: ЎЗБЕКИСТОН, 2010. – 77 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 173 б.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ НМК, 1997. – 63 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси / Нашр учун масъул: Т.Рисқиев. Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Аҳлиддинов. – Т.: Шарқ НМКБош таҳририяти, 1999. – 181 б.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 112 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ НМК, 1997. – 20-29-б.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ НМК, 1997. – 32-62-б.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш тўғрисида”ги (1998 йил 13 май) Қарори // Халқ сўзи г. – Т.: 1998 йил, 15 май.
9. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
10. Азизходжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2000. – 52 б.
11. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис. Ал-Жомий ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 4 китоб. 1-китоб / Арабчадан З.Исмоил таржимаси. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. – 560 б.
12. Асқарова Ў.М., Ҳайитбоев М., Нишонов С.М. Педагогика. – Т.: Талқин, 2008. – 287 б.

13. Баротов Ш. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари /Мақтаб ўқитувчилари ва педагогика институтлари талабалари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 56 б.
14. Виготский Л.С. Педагогическая психология /Под ред. В.В.Давидова. – М.: Педагогика. 1991. – 480 с.
15. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 30 б.
16. Зимняя И.А. Педагогическая психология / Учебн.пособие для студентов висш.пед.учеб.заведений. – Ростов-на-Дону: РГУ, 1997. – 287с.
17. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Директорнинг иш китоби (амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2007. – 121 б.
18. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
19. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2010. – 142 б.
20. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: РТМ, 2004. – 104 б.
21. Коджаспирова Г.М. Педагогика – в схемах, таблицах и опорнўх конспектах. – М.: Владос, 2006. – 189 с.
22. Голипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006. – 247 б.
23. Ҳайдаров Ф.И., Халилова Н.И. Психология фанларини ўқитиш методикаси. / Ўқув қўлланма. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2006. – 178 б.
24. Узлуксиз таълим тизимида ҳамкорлик педагогикаси мавзусидаги халқароилмий-амалий конференция материаллари . Тошкент – 2014